



MILLIY TIKLANISH

59 (431) ● 2016 йил 21 декабрь, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси
 ЎзМТДП — www.mt.uz Тахририят — www.milliytiklanish.uz 2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

Халқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи аъзолари шу йил давомида 124 депутатлик сўровини амалга оширди **ЎзМТДП депутатлик бирлашмалари ва партия ташкилотларининг ўзаро ҳамкорлиги халқ манфаатларини таъминлашга хизмат қилади** **ЎзМТДП Термиз шаҳар кенгашида қарийб 2 минг аъзони бирлаштирган 44 бошланғич ташкилот фаолият юритмоқда**

Давра суҳбати

Ошкора мулоқот ва амалий таклифлар

аҳоли ишончини мустаҳкамлашнинг муҳим шарти

Инсон манфаатлари, халқ фаровонлигини таъминлашда халқ билан мулоқот қилиш, уларнинг орзу-ниятлари, ҳаётий муаммо ва эҳтиёжларини яқиндан билиш муҳим ҳисобланади. Бу жараёнда маҳаллий Кенгашлардаги партия депутатлик гуруҳлари фаолиятини самарали ташкил этиш, сессиялар, доимий комиссиялар мажлислари муҳокамасига партия электорати манфаатларига мос масалалар киритиш механизмларини такомиллаштириш, халқ вақили ўзи сайланган ҳудуд аҳолисини ўйлантираётган, ташвишга солаётган масалаларни чуқур ўрганиб, ҳал этиш чора-тадбирларини кўриб бориши муҳим аҳамиятга эга.

Зеро, депутат аҳоли билан қанчалик яқин бўлса, яъни, очик ва самимий мулоқот натижасида уларни қийнаётган муаммоларни ҳал этишнинг янги механизмлари ва самарали усулларини топиш учун имконият яратилади. Одатда яхши таклиф ва муаммоли масалалар самимий мулоқот ва суҳбатларда етилади ҳамда ечимини топади. Халқ манфаати билан ёниб яшаган депутатнинг журъати, қатъияти эса уни амалий ишларга, ташаббускорликка, янгидан-янги гоялар рўёбига хизмат қилишга ундайди. Депутат ана шундагина халқ вақили деган номга муносиб бўлади, сайловчилар билдирган юксак ишончини оқлайди.

"Биз кейинги пайтда одамлар билан мулоқот қилишни унутиб қўйдик. Уларнинг ичига кириб, очик ва самимий гаплашиш, дардини эшитиш бизнинг фаолиятимизда, афсуски, охириги ўринга тушиб қолди", деди Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Конституциямиз қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида.

> 4-бет.

Кўшма йиғилиш



Сардор Муллажонов суратлари

Халқ ва Ватан манфаати — устувор масала

ушбу мезон асосида партия ва фракция фаолиятини тубдан кучайтириш лозим

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгаши Ижроия қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракциясининг кўшма йиғилиши бўлиб ўтди. Унда ЎзМТДП Марказий кенгаши ва фракцияси аъзолари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатлари, партия фаоллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Йиғилишни партия Марказий кенгаши раиси, фракция раҳбари Сарвар Отамуратов бошқарди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Конституциямиз қабул қилингани-

нинг 24 йиллигига бағишланган тантанали тадбир ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришишга бағишланган Олий Мажлис палаталарининг кўшма мажлисидаги маърузаларидан келиб чиқиб, партия ташкилотлари ва унинг депутатлик корпуси олдидаги устувор вазифалар муҳокама қилинди.

— Мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва унинг манфаатларига олий қадрият сифатида қаралади, — деди йиғилиш кун тартибидagi масала юзасидан ўз маърузасида Сарвар Отамуратов. — Зеро, одамлар билан, халқ билан мулоқот қилиш, уларнинг дарду ташвишлари, орзу-ниятлари, ҳаётий муаммо ва эҳтиёжларини яқиндан билиш муҳим аҳамият касб этади.

> 2-бет.

Обуна — 2017



Раҳматжон РЎЗИОХУНОВ, бокс бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси мураббийи, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устози:

— Ҳозирги глобаллашув жараёнида мафкуравий таъсирлар тобора кучайиб бораётир. Бундай мураккаб вазиятда фақат ўз маданиятини, ўзлигини, тарихини унутмаган халқ тараққиёт сари дадил одимлашини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди.

Мамлакатимизда спортни ривожлантириш юзасидан амалга оширилаётган кенг қамровли ишлар мазмун-моҳияти, аҳамияти ва самаралари матбуотда ёритилиши айтиш мумкин.

Мен "Миллий тикланиш"ни танладим. Сиз-чи?

Эркин Воҳидов таваллудининг 80 йиллиги олдида

Мамлакатимизда халқимиз қалбидан чуқур жой олган атоқли адиб ва шоирлар, санъат ва маданият намояналарининг улкан хизматлари муносиб баҳолашиб, уларнинг хотирасини абадийлаштириш, ижодини ўрганиш ва тарғиб қилиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов таваллудининг 80 йиллигини кенг нишонлаш юзасидан 2016 йил 7 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорининг қабул қилиниши мамлакатимизда адабиётга, маънавиятга бўлган юксак эътиборнинг яна бир ёрқин ифодаси бўлди. Чунки Эркин Воҳидов XX аср ўзбек шеърисининг йирик намоянаси сифатида миллий адабиётимиз ривожига беқиёс ҳисса қўшган адибдир.

Миллий маънавиятимиз фидойиси

Мен сеvimли шоиримиз, атоқли адиб ва моҳир таржимон, давлат ва жамоат арбоби, Ўзбекистон Қаҳрамони Эркин Воҳидовни ўспиринлик давримда машҳур китоблари орқали, ғойибона таниганман. Кейинчалик, 1989 йилда Эркин ака "Давлат тили ҳақида"ги қонунни амалга ошириш комиссияси таркибида фаолият юритган даврда у киши билан илк бор шахсан танишиш, юзма-юз мулоқотда бўлиш имконияти туғилган.

> 5-бет.

Ташаббус натижа берди

Шаҳарсозлик кодекси ижроси

халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгаши сессиясида ЎзМТДП гуруҳи ташаббуси билан муҳокама этилди

Дунёда қадимий, бетакрор ва муҳташам шаҳарлар санокли. "Шарқ гавҳари", "Ер юзининг сайқали" дея эътироф этилади-ган қадимий ва навқирон Самарқанд ана шундай шаҳарлар сирасига киради. Бу ердаги обидалар, маданий ёдгорликлар ажодларимиз даҳосидан, олис ва буюк ўтмишдан сўзлайди. Самарқанднинг гўзал ва сўлим табиати, қадимий ва замонавий иншоотлари бутун дунёни ўзига мафтун этиб келади.

Шу боис Самарқанд шаҳрининг тарихий қиёфаси ва жозибасини сақлаш, бир-бирини такрорламайдиган замонавий иншоотлар қуриш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу жараёнда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси худудий ташкилотлари ҳамда депутатлик бирлашмалари ҳам фаол иштирок этишга интилмоқда. Бу, албатта, бежиз эмас. Чунки партия сайловолди Платформасида уй-жой қурилиши ва инфратузилмасини қўллаб-қувватлаш, қурилиш ва безак ишларида энг яхши хорижий тажриба ва миллий меъморлик анъаналарини қўллаш, Ўзбекистон шаҳарларининг тарихий қиёфасини сақлаб қолишда самарали чора-тадбирларни, тарихий шаҳарларни қайта таъмирлашга қаратилган йирик лойиҳаларни амалга оширишга кўмаклашиш мақсадлари белгиланган.

Айни шу мақсадда яқинда ЎзМТДП гуруҳи ташаббуси билан халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгашининг навбатдаги сессиясида Шаҳарсозлик кодексининг вилоятдаги ижроси муҳокама этилди. Сессияда халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи раҳбари Баҳодир Шаропов маъруза қилди.

> 4-бет.

Ушбу сонда:

Алла — орзу ва умидлар кўшиғи

Момоларимиз айтган аллалар болаларни яхшиликка, меҳр-оқибатли бўлишга ундаган



> 5-бет.

Тарих ва келажак мужассам



> 7-бет.

Анъаналар давом этмоқда

Ота-боболаримиздан мерос ушбу фаолият тури мустақиллик йилларида янада ривожланди.



> 8-бет.



«Milliy tiklanish» газетасини
 www.milliytiklanish.uz
 сайтида ҳам ўқинг!

"Milliy tiklanish" газетасига обуна бўлинг!

Нашр кўрсаткичи — 158

Кўшма йиғилиш

Халқ ва Ватан манфаати — устувор масала

< Давом. Бошланиши 1-бетда.

ушбу мезон асосида партия ва фракция фаолиятини тубдан кучайтириш лозим



Шу маънода, 2017 йилнинг юртимизда Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили, деб эълон қилинишида ҳам чуқур маъно мужассам. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг Бош қомусимиз қабул қилинганнинг 24 йиллигига бағишланган тантанали тadbирдаги маърузаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқида илгари сурилган ғоялар, танқидий-таҳлилий фикр-мулоҳазалар, белгилаб берилган устувор вазифалар ҳар биримизни ўз фаолиятига ҳолис баҳо бериб, уни янги, юқори босқичга кўтаришга ундайди. Айниқса, парламент палаталари фаолиятига берилган танқидий баҳо қонун ижодкорлиги, назорат-таҳлил ва сайловчилар билан ишлаш борасидаги фаолиятимизни тубдан қайта кўриб чиқиш ва кучайтириши талаб этади. Тан олишимиз керак, мамлакатимизнинг қонун чиқарувчи олий органи сифатида фаолиятимизни бугунги кун талаблари даражасида ташкил қила олмаймиз. Қонун устуворлиги жамиятимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, барча иш-хотларини самарали амалга оширишнинг муҳим кафолати экан, аввало, ишлаб чиқилаётган қонунларимизнинг пухта, пишиқ ва мукамаллигига эътибор қаратишимиз лозим. Парламент томонидан қабул қилинаётган қонунларнинг ҳаётийлигини таъминлаш, бугунги ислохотларга таъсир самардорлигини ошириш, бевосита халқ билан мулоқотлар ўтказиш орқали мавжуд муаммоларни ҳал қилишга қаратилган халқнинг қўлини ишлаб чиқиш, уларнинг амалда ишлаши учун парламент ва депутатлик назорати механизмидан самарали фойдаланиш олдимизда турган муҳим вазифадир. Президентимиз ҳукуматнинг парламент билан қўшма ижодкорлиги ва назорат-таҳлил соҳасидаги ҳамкорлигини янада самарали ташкил қилиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг Олий Мажлисида доимий асосда фаолият кўрсатадиган вакили лавозимини таъсис этиш ташаббуси илгари сурди. Таъкидлаш жоиз, бу тизим қонун лойиҳаларини пухта ва ижтимоий муносабатларни тўғридан-тўғри тартибга солидиган даражада ишлаб чиқишда муҳим ўрин тутди. Қонунларни ишлаб чиқиш билан бирга, энг муҳими, уларнинг жойларда ижросини таъминлаш, қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини, аҳамиятини аҳоли орасида кенг тарғиб қилиш, одамларга содда, тушунарли таразда етказиш зарур. Айтиш жоиз, ушбу мақсад-вазифа сайловчилар билан учрашувлар мобайнида амалга ошириб келинаётган эди. Амма бугунги кунда ҳуқуқий ҳужжатларни тарғиб қилишда бу тизимнинг ўзи етарли эмас. Қонунларнинг мазмун-моҳиятини халқимизга ва масъул ижрочиларга ўз вақтида етказиш, уларнинг ижросини тўғри ташкил этиш ҳамда қонун талабларига қатъий амал қилишни таъминлашда янги, самарали механизмлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Бу борада халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги депутатларимиз билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш, уларнинг фаолиятини тубдан кучайтиришимиз керак. Чунки маҳаллий Кенгаш депутатла-

ри ҳудудлардаги муаммолардан, одамларни қийнаётган масалалардан, жойлардаги давлат идоралари мутасаддиларининг фаолиятидан тўла хабардор бўлади. Шу маънода фракция ва маҳаллий Кенгаш депутатлари ҳамда партия ташкилотларимизнинг ўзаро ҳамкорликда иш олиб бориши қонунлар моҳиятини кенг тарғиб қилиш, халқ манфаатларини таъминлаш, жойлардаги масалаларни парламент, депутатлик ва жамоатчилик назорати воситида ҳал этиш имкониятларини янада кенгайтиради.

Дарҳақиқат, "Парламент назорати тўғрисида"ги қонуннинг амалда ижросини таъминлаш, бу борада хорижий мамлакатларнинг илгор тажрибасини ўрганиш ва жорий этиш, ўз навбатида, инсон манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳудудларни янада тараққий эттиришга, соҳа ва тармоқлар ривожига хизмат қилади. Йиғилишда қайд этилганидек, биргина жорий йилда ЎзМТДП фракцияси ташаббуси билан ташкил этилган иккита парламент эшитуви — Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазирининг "Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг ижроси ҳақида"ги ахбороти ҳамда Ўзбекистон ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг "Ўзбекистон Республикаси Миллий ахборот-коммуникация тизимини ривожлантириш комплекс дастурининг ижроси тўғрисида"ги ахбороти эшитишу натижа-сида жойларда ҳар иккала соҳа бўйича муайян ишлар амалга оширилди. Шундай бўлса-да, келгусида мазкур эшитув қарориди белгиланган вазифаларнинг жойлардаги ижросини мунтазам назорат қилиб бориш, шу билан бирга, фракция фаолиятида бу каби амалий ташаббусларни янада кучайтириш, халқ, электротар манфаатлари йўлида, партия дастурий вазифалари ижросини таъминлашда парламент назоратидан самарали фойдаланиш зарурлиги таъкидланди. Йиғилишда шунингдек, жойлардаги давлат ҳокимияти органлари, барча даражадаги ҳокимликлар, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари фаолиятини янада такомиллаштиришга қаратилган амалий ташаббуслар билдирилди.

Бугун инсон манфаатларини ишончли таъминлаш жараёнида фаол иштирок этиш партия фаолиятининг муҳим йўналишларидан би-

рига айланиши давр тақозо этмоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёев ўз маърузасида қайд этганидек, халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак, деган ҳақиқат партия фаолиятида ҳам таъминлаш акс этиши лозим.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2017 йил Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили, деб эълон қилинди. Аҳоли билан мулоқот қилишининг самарали тизимини йўлга қўйиш Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси учун ҳам долзарб вазифалардан биридир. Бу партияни фуқароларнинг мақсад ва манфаатларини рўйга чиқарадиган куч сифатида одамлар ҳаётидаги муаммолардан доимо хабардор бўлишга ундайди. Шу муносабат билан партиянинг ҳудудий ташкилотларида фуқаролар қабули ва мурожаати билан ишлашни янада такомиллаштириш ва бу борада тартиб-намуна мавжуд имкониятларидан тўлақонли фойдаланиш масалалари йиғилиш иштирокчиларининг эътибор марказида бўлди.

— Бу борада партия тузилмасини ва ходимларнинг функционал вазифаларини қайта қўриб чиқиш мақсада мувофиқ. Аҳоли билан мулоқот қилишининг, уларнинг муаммолари, дарду ташвишини, тақлифларини эшитишнинг самарали йўллари ишлаб чиқишимиз лозим. Бу борада, энг аввало, фракциямиз аъзолари амалдаги қонунларимизни инвентаризациядан ўтказиб, уларда халқ билан мулоқот тизимини шакллантиришга оид нормаларни аниқ белгилашга доир тақлифлар ишлаб чиқиши мақсадга мувофиқ бўлади, деди партия раҳбари.

Йиғилишда давлат раҳбари маърузасида илгари сурилган депутатлар ва сенаторларнинг ҳар ойда 10-12 кун давомида ўзи сайланган ҳудудда ҳақиқий аҳоли ўрганиб, тегишли раҳбарларнинг ҳисоботини халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари сессияси муҳокамасига киритиш тартибин жорий этиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Таъкидланганидек, ушбу тизим жойлардаги вазиятни чуқур ўрганиш, таҳлил этиш, аҳоли фаровонлигига, халқ манфаатларини ҳимоя қилишга тўсиқ бўлаётган айрим муаммоларни бартараф этишда муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, маҳаллий ҳокимликлар, прокуратура ва ички ишлар органлари раҳбарларининг ўз зиммасидаги вазифаларга масъулият билан ёнда-

шишига, аҳолини ўйлантираётган муаммолар, уларнинг мурожаатлари ўз вақтида, ижобий ҳал қилинишига хизмат қилади. Мазкур тизим парламент вакиллари фаолиятида янги тажриба эканлиги қайд этилиб, уни самарали амалга оширишда партия фракцияси аъзолари фаол иштирок этиши зарурлиги таъкидланди.

Йиғилиш иштирокчилари Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Конституциямиз қабул қилинганнинг 24 йиллигига бағишланган тантанали тadbир ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига кири-

шига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги маърузаларининг мазмун-моҳиятини кенг аҳоли қатламларига етказиш бўйича турли тadbирлар, хусусан, семинар, давра суҳбати, конференция ва учрашувлар ўтказиш юзасидан аниқ тақлифлар билдирилди. Давлатимиз раҳбари маърузаларида илгари сурилган инсон манфаатларини, аҳоли бандлигини таъминлаш, инвестицияларни жалб этиш орқали тadbиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш, ёшларни соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш, таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш, юрт тинчли-

ги, жамиятимиздаги ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат ва ҳамжихатлик муҳитини асраб-авайлаш каби масалалар ЎзМТДП дастурий мақсад-вазифаларига ҳамроҳ эканлиги эътироф этилди.

Йиғилиш якунида муҳокама этилган масалалар юзасидан Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгаши Ижроия кўмитаси ва фракциянинг қўшма чора-тadbирлар режаси қабул қилинди. Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг 2017 йилга мўлжалланган иш режасига тақлифлар тақдим этишга келишиб олинди.

Алишер ҚОДИРОВ, ЎзМТДП фракцияси аъзоси:

— Ҳар бир йилга ном берилиши ва унга мос равишда Давлат дастурининг қабул қилиниши мамлакатда ўз ечимини кутаётган муаммоларни ҳал этиш учун тегишли ислохотларни амалга ошириш ҳамда уларнинг асосида муайян соҳани модернизация қилиш сиёсатини юритишга асос бўлмоқда. Кириб келаётган 2017 йилнинг Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили, деб эълон қилиниши ана шу аъёнлар муносиб давом эттирилаётганининг тасдиғидир.

Халқ билан мулоқот инсон манфаатларининг юксалишига олиб келади. Яъни, мулоқот ва манфаат тушуночаси халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак, деган тамойилга асосланади. Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилидаги асосий вазифалар давлат органларининг фуқаролар билан ўзаро муносабатларининг такомиллаштиришга замин бўлиб, аҳоли билан доимий мулоқот қилиш, уларни қийнаётган муаммоларни ҳал этишининг янги механизмининг ва самарали усулларини топшиш учун имконият яратди. "Бизнинг асосий мақсадимиз — "Халқ қабулхоналари"га қилинган ҳеч бир мурожаат эътиборсиз қолмайдиган тизим яратишдан иборат", деди ўз маърузасида давлатимиз раҳбари.


Яна бир муҳим вазифа — қонунларнинг ислохотлар самарасига таъсирини кучайтириш, уларнинг ижтимоий муносабатларни тартибга солишдаги ролинини ошириш муҳим аҳамиятга эга.

Партия ҳамда фракциямизнинг бугунги қўшма йиғилишида ана шу масъулиятли вазифаларни амалга ошириш юзасидан чора-тadbирлар белгилаб олинди. Зеро, мамлакатимиз тараққиётининг янги даврида ҳар бир фуқаро ўз фаолиятида фидоийлик, ватанпарварлик намуналарини кўрсатиб, халқ манфаатлари, Ватанимиз раҳнақи йўлида қатъиятлик билан ҳаракат қилиши лозим.

Марҳоба ҒАҒУРОВА, ЎзМТДП фракцияси аъзоси:

— Давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги маърузаларида илгари сурилган ғоят аниқ, халқчил ва ҳаётий ғоялар, вазифалар бил депутатлар фаолиятини тубдан кучайтириш билан бирга, сайловчилар билан ишлашда, уларнинг ишончини оқлашда кенг имкониятлар беради.

Хусусан, депутат ва сенаторлар парламент ва жамоатчилик назоратининг таъсирчан механизмларини шакллантириш мақсадида шаҳар ва туманларда ҳақиқий аҳоли ўрганиб, тегишли раҳбарларнинг ҳисоботини халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари сессияси муҳокамасига киритиш тартибини жорий этиш, бунда ҳар ойда 10-12 кун давомида ўзи сайланган ҳудуддаги



ижроия ҳокимият органи, прокуратура ва ички ишлар бўлимининг фаолиятини ўрганиш, таҳлил қилиш ҳамда тегишли ҳулоса бериш тавсия этилмоқда.

Ушбу тизимнинг амалиётга самарали татбиқ этилиши сайловчи ва депутатни бир-бирига яқинлаштиради, яъни, аҳоли билан тез-тез мулоқотда бўлиш жойларда ўз ечимини кутаётган, одамларни ўйлантираётган масалаларнинг ҳал этилиши, маҳаллий ҳокимликлар ва тегишли мутасаддиларнинг ўз вазифаларига масъулиятини кучайтиришга хизмат қилади. Энг муҳими, бу эъзу ишлар инсон манфаатларини таъминлашга, дунёдаги ривожланган давлатлар қаторига кириш, халқимизнинг ҳаёт сифати ва даражасини ошириш, Ватанимизнинг жаҳон миқёсидаги обрў-эътиборини юксалтириш йўлидаги ишларимизни изчил давом эттиришга асос бўлади.

Ҳамдам НИЁЗОВ, ЎзМТДП Марказий кенгаши Ижроия кўмитаси девони Ёшлар масалалари бўлими бошлиғи:

— Давлатимиз раҳбари 2017 йилни мамлакатимизда Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили, деб эълон қилди. Шу муносабат билан қабул қилинадиган Давлат дастурининг ёшларнинг муносабатларини соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш масаласи алоҳида ўрин эгаллашини, бу борада ёшлар учун зарур шароитлар яратиш, янги-янги таълим-тарбия, маданият, санъат ва спорт масканларини барпо этиш, ёш оилалар учун уй-жойлар куриш, ёшларни иш билан таъминлаш, уларни тadbиркорлик соҳасига кенг жалб этиш бўйича бошланган ишлар янги, юксак босқичга кўтарилишини алоҳида таъкидлади.

Дарҳақиқат, ёшлар — мамлакатимиз эртаси, тараққиётимизнинг давомчиларидир. Шундай экан, уларнинг ҳар томонлама соғлом, бугунги кунда авж олаётган турли ҳавф-хатарларга нисбатан мазъабвий иммунитетини мустаҳкам қилиб тарбиялаш олдимизда турган муҳим вазифадир. Бунинг учун эса давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, ёшларимиз билан кўпроқ гаплашиш, уларнинг қалбига қўлак солиш, дардини билиш, муаммоларини ечиш учун амалий кўмак беришимиз, бу борада уюшмаган ёшлар билан ишлашга алоҳида эътибор қаратишимиз зарур. Маърузада "Бу вазифаларни амалга оширишда биз асрлар мобайнида шаклланган миллий аъёнларимизга, аждодларимизнинг бой меросига таянамиз", деган ғоя илгари сурилди. Бу, айниқса, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ғоя ва мақсадларига уйғун бўлиб, партия сайлововли Платформасида белгиланган "оммавий маданият"нинг салбий таъсирдан ёшларни муҳофаза қилиш мақсадида уларни миллий тикланиш ғояси, миллий маданият ва қадриятларини эъзозлаш руҳида тарбиялаш каби дастурий вазифаларимизни янгича ёндашувлар асосида изчил ривожлантиришимизни тақозо этади. Ёшларда тарихий мерос ва халқ аъёнларига чуқур меҳр-ҳурмат, эҳтиром уйғотиш каби дастурий мақсадларимизни амалга ошириш орқали мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсатининг изчил давом эттирилиши кўмаклашамиз.

Муҳтарома КОМИЛОВА, "Milliy tiklanish" мухбири

Фармон ва ижро

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 2 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тadbирлари тўғрисида"ги фармони мамлакатимизда туризмни ривожлантириш ва мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш ҳамда мазкур тармоқнинг иқтисодий ҳудуддаги ролинини оширишга хизмат қилиш йанги босқичга кўтарди.

Биринчи Президентимиз раҳнамолигида туризмни ривожлантириш борасида изчил ислохотлар амалга оширилди. Ўзбекистон Республикасининг "Туризм тўғрисида"ги қонуни, соҳага оид қатор фармон ва қарорлар, дастурлар қабул қилинди. Мамлакатимиз БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилотига аъзо бўлди. 2014 йилда мазкур ташкилот ижроия кенгашининг 99-сессияси Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтди.

Ўзбекистон сайёҳлик кўлами ва тарихий қадимжолари кўпчилиги бўйича дунёдаги етакчи ўн давлат қаторида туради. Айни пайтда юртимизда етти мингдан зиёд тарихий, маданий ёдгорликлар мавжуд. Бундай бой маданий мерос, айниқса, Самарқандда жуда кўп. Шу сабаб 2001 йилда Самарқанд шаҳри

Самарқанд сайёҳлик салоҳияти юксалади

ва унинг ҳудуддаги кўпмаданий объектлар ЮНЕСКОнинг Жаҳон маданий мероси рўйхатига киритилди. Самарқанд инсон умри давомида бориб кўриши шарт бўлган дунёнинг 50 шаҳари қаторида эътироф этилди.

— Вилоятда туризмни ривожлантиришнинг 2016 йилга бўлган ҳудудий манзилли дастури ишлаб чиқилиб, муваффақиятли амалга оширилди. — деди Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат кўмитаси Самарқанд вилоти ҳудудий бошқармаси бошлиғи Илхом Сувонов. — Дастур асосида вилоятда туристик ресурслардан оқилона фойдаланиш, кўрсатилаётган хизмат турини кўпайтириш ва сифатини замон талабларига мослаштириш борасида тизимли ишлар бажарилди. Йирик савдо ва хизмат кўрсатиш мажмуалари, миллий ва замонавий услубдаги ресторо ва чойхоналар, турли кўнгулочар масканлар қурилди.

Сайёҳликнинг экологик, соғломлаштириш, агро ва фаол турларини ривожлантириш, ички туризмни кўллаб-қувватлаш мақсадида Урганч, Самарқанд, Жомбой, Пахтачи,

Нуробод туманларида янги сайёҳлик йўналишлари очилди. Соҳа учун кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратилиб, Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, Самарқанд давлат чет тиллар институти ҳамда Сартепа туризм ва маийшият касб-ҳунар коллежида янги мутахассислик ва таълим йўналишлари ташкил этилди.

Бугунги кунда Самарқандда юздан ортик меҳмонхона ва 84 сайёҳлик фирмаси фаолият кўрсатмоқда. Йилдан-йилга уларнинг моддий-техник базаси мустаҳкамланиб, замон талаблари даражасида юқори сифатли хизмат кўрсатиш имконияти кенгаймоқда.

Президентимизнинг мазкур фармони бу борадаги ишларни янги сифат босқичга кўтаришда муҳим ҳуқуқий асос бўлади. Ушбу ҳужжатга кўра "Ўзбектуризм" миллий компанияси негизда Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат кўмитаси ташкил этилди. 2017 йилнинг 1 январидан бошлаб туризм фаолиятига лицензия бериш ҳуқуқи мазкур кўмитага ўтказилади.

Меҳмонхоналар ва жойлаштиришнинг шу каби воситалари учун лицензия олиш талаблари бекор қилинади.

Фармоннинг яна бир муҳим жиҳати кўпмад давлатлардан келадиган сайёҳларнинг Ўзбекистонга ташрифи учун виза режими бекор қилинишидир. Бу мамлакатимизга келадиган сайёҳлар оқимини кўпайтириш билан бирга, туристик фирмалар учун ҳам янада қулай имконият яратди.

Хорижий туристлар мамлакатимизга келгач, улар учун аэропортларда ҳам қулай шароит яратиш кўзда тутилган. 2017 йилнинг 1 апрелидан Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Урганч шаҳарлари халқаро аэропортларида хорижий туристлар учун "яшил йўлак" боғжона назорат тизимини, паспорт ва боғжона назоратдан ўтиш, бағажни олишнинг соддалаштирилган тартиб-таомилни жорий этиш ҳамда транспорт хизмати кўрсатишни яхшилаш юзасидан зарур чора-тadbирлар қўриш белгиланган. Аэро-

порт ва вокзалларда резидентлар, яъни маҳаллий аҳоли ҳамда норезидентлар — хорижий сайёҳлар паспорт назоратидан алоҳида ўтиши йўлга қўйилиши ҳам катта янгиликдир.

Фармонда аэропорт ва темир йўл вокзалларида қулай туризм ахборот макони, жумладан, туризм-ахборот пунктлари фаолиятини ташкил этиш ва ривожлантириш кўрсатиб ўтилган. Эндиликда шаҳарга келиб тушган сайёҳ тўғривдан-тўғри аэропорт ёки вокзалда ушбу ҳудудда мавжуд бўлган туроператорлар, меҳмонхона ва улларга зарур бўлган маълумотлар билан батафсил танишиши мумкин.

Бу каби қулайлик ва имкониятлар мамлакат иқтисодиётининг стратегик тармоғи сифатида туризмни жадал ривожлантиришни таъминлашга, Ўзбекистоннинг жозибадор туризм маркази сифатидаги ижобий қиёфасини янада юксалтиришга хизмат қилади.

Тарих — улуг мураббий

ЎЗМТДП Тошкент вилоят кенгаши ана шу мавзуда тadbир ташкил этди

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси сайловолди Платформасида “Ўз тарихини билмайман, кечаги кунини унутган миллатнинг келажаги йўқ” тамойили асосида халқимиз тарихини холис ва тизимли ўрганиш, ўзбек халқининг тарихий ўтмиши ва бугунги кунини баҳолашда бирёқлама ёндашуларга, ноҳолликка йўл қўймадик, Ўзбекистон тарихини бузиб, сохталаштириб тилкин этилишига қарши курашиш устувор вазифа сифатида белгиланган.

Партия Тошкент вилояти кенгаши айна шу мақсадда Ўзбекистон Фанлар академияси “Қатагон қурбонлари хотираси” музейи, “Шахидлар хотираси” жамоат фонди, Ўзбекистон тарихчилар жамияти билан ҳамкорликда “Тарих — улуг мураббий” мавзусида маънавий-маърифий тadbир ташкил этди. Унда партиянинг вилоят ва туман кенгашлари фаоллари, “Ёшлар қаноти” етакчилари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

— Мустaqиллик йилларида тарихимизни асл ҳолича ўрганиш, буюк аждодларимиз хотирасини эъозлаш, меросини асраб-авайлаш ва кел-



гуси авлодларга етказиш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилиди, — деди тadbирда ЎЗМТДП Тошкент вилоят кенгаши раиси Маҳмуд Назаров. — Миллий давлатчилигимиз тарихини чуқур ва тизимли тadbир этиш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар самарасида буюк аждодларимизнинг тарихдаги ўрни, халқимиз, Ватанамиз олдидаги хизматлари, бой маънавий илмий меросига холис баҳо берилди, адолатли муносабат қарор топди. Аждодлар хотираси, улар қолдирган бой маънавий мерос, ўтган кунлар сабоғи навқирон авлодни йўлчи

юлдуз каби тўғри йўлга бошлади, бугунги тинчлик-осойишталик, эркин ва фаровон ҳаётнинг қадрига етишга ундайди. Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси ташаббуси билан жойларда ўтказилаётган бундай тadbирлар ЎЗМТДП сайловолди Платформасида белгиланган юксак маънавийлиги, масъулияти ва соғлом авлодни тарбиялашга кўмаклашишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бинобарин, мазкур сайёҳаракатлар халқимизнинг миллий ўзига хошлиги ва маънавий меросини асраб-авайлаш, ривожлантириш ва келажақ авлод ўртасида кенг тарғиб этишга хизмат қилади. Фуқаролар, айниқса, ёш авлоднинг миллий давлатчилигимиз тарихини, янги ўзбек давлатчилиги асослари ва уни ривожлантиришнинг асосий тамойилларини чуқур ўрганиши, аждодларимизнинг жаҳон илмий тафаккури ривожига қўшган бебаҳо ҳиссасини теран англаб етишида муҳим ўрин тутари.

“Қатагон қурбонлари хотираси” музейи директориди, “Шахидлар хотираси” жамоат фонди ва Ўзбекистон тарихчилар жамияти раиси, ЎЗМТДП Марказий кенгаши аъзоси Бахтиёр Ҳасановнинг “Ўзбекистон — тарих силсиласида” мавзусидаги маърузаси иштирокчиларда катта таассурот қолдирди. Маърузачи таъкидлаганидек, айниқса, яқин ўтмишда ўтган Абдурауф Фитрат, Абдулла Қодирий, Абдулҳамид Қўллон, Усмон Носир, Саид Аҳрорий, Боту, Убайдулла Ҳўжаев сингари аждодларимизнинг аччиқ қисмати истиқлол қадрини англашда бир дарслиқдир. Муstaqиллик халқимизга бахтли яшаш учун барча шаeroит ва имкониятларни яратиб берди, халқимизнинг бой тарихий, маданий, маънавий меросини англашга, кенг тарғиб этишга катта йўл очди.

— Истиқлол шарофати билан кўлаб музейлар ташкил этилгани бой тарихимизни кенг тарғиб этиш, шу билан бирга, турли даврларга оид изланишларни фаол олиб бориш имконини бермоқда, — деди ЎЗМТДП Тошкент вилоят кенгаши Ижроия кўмитаси девони раҳбари Шўҳрат Насимов. — Узок ва яқин ўтмишимиз, истиқлолнинг қандай захматлар эвазига кўлга киритилгани бугунги тинч, осойишта ва фаровон ҳаётимизнинг қадрини ёш авлод онгу шуурига синдириш, уларда шу табарруқ юртга муносиб фарзанд бўлиш, унинг келажаги учун дахлдорлик ва масъулият туйғуларини қарор топтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Баҳс-мунозара ва фикр-мулоҳазаларга бой тарзда ўтган тadbир якунида иштирокчилар музей фаолияти, экспонатлари билан яқиндан танишди.



Клара САЙДУЛЛАЕВА, ЎЗМТДП Тошкент вилоят кенгаши Ижроия кўмитаси девони бош мутахассиси:

— Юртга мухаббат, шонли тарих ва буюк аждодлар меросидан фахрланиш, мамлакатнинг бугуни ва келажаги ҳақида қайғуриш, авлодлар учун фаровон Ватан қолдириш каби қадриятлар ЎЗМТДП дастурий ғояларининг асосини ташкил этади. Мазкур тadbир айна шу ғоялар тарғибига қаратилди, юртимиз тарихини чуқур ўрганиш, кечаги ва бугунги кунларни ўзаро қиёслаш орқали энг улуг неъмат — истиқлолнинг асл моҳиятини англаш борасида фикрлашилди, таъсирчан маърузалар тингланди.

Бу каби тadbирларнинг республика миқёсда барча даражадаги партия ташкилотлари томонидан ўтказилаётгани янада аҳамиятлидир.

Сардор ЗОКИРОВ, тadbир иштирокчиси:

— Бугунги тadbир биз ёшларни тарихимизни чуқур ўрганиш, буюк аждодларимизга муносиб авлод бўлишга яна бир бор давъат этади. Айниқса, тadbир иштирокчиларининг “Қатагон қурбонлари хотираси” музейи билан танишгани, унинг воситасида мамлакатимизда муstaqиллик йилларида тарихий адолатни қарор топтириш, халқимизнинг қадр-қимматини жойига қўйиш, миллий қадриятларимиз ва маънавий меросимизни тиклаш, ота-боболаримиз қадамжоларини обод этиш ва номларини абадийлаштириш борасида эзгу ишлар амалга оширилганига гувоҳ бўлганликлари мазкур анжуман аҳамияти ва таъсирчанлигини янада оширишга хизмат қилди.

Ойдин АЛИМАРДОНОВА, “Milliy tiklanish” мухбири

Бошланғич партия ташкилотлари — бош таянчимиз

Электорат манфаатлари

ҳимоясида қуйи бўғин муҳим восита

Бошланғич партия ташкилотлари партия ғоя-мақсадларини тарғиб этиш, электорат манфаатларини ҳимоя қилиш, партия ташкилотлари ва гуруҳларнинг ҳамкорлигини янада муstaqамлашда асосий бўғин саналади. Улар электорат билан ҳамқадам, ҳамнафас ва елкама-елка туриб, одамларнинг ўй-фикрлари, тақлиф ва мулоҳазаларидан мунтазам хабардор бўлади. Ана шу мезон асосида иш олиб бораётган қуйи бўғинлар бугун Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг аҳоли орасидаги нуфузини муstaqамлашга, ҳайрихоҳар сафи кенгайишига ҳисса қўшаёттир.

— Сиёсий партиянинг жамияттаги обрў-этибори ва нуфузи унинг аҳолига яқинлиги, фаровонлигини юксалтиришга қўшаётган ҳиссаси билан белгиланади, — дейди ЎЗМТДП Термиз шаҳар кенгаши етакчи мутахассиси Мафтуна Шоймардонова. — Шу боис бугун ижтимоий ҳаётнинг барча соҳасида бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини кучайтириш, уларнинг иш самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу эса бевосита аҳолига, уларнинг ўй-ташвиши, хоҳиш-истакларига яқин бўлган бошланғич ташкилотлар зиммасига катта масъулият юклайди.

ЎЗМТДП Термиз шаҳар кенгашидаги қуйи бўғинлар фаолиятида юз бераётган ижобий ўзгаришлар эътирофга молик. Бугун партия шаҳар кенгашида қарийб икки минг аъзони бирлаштирган 44 бошланғич ташкилот фаолият юритмоқда. Масалан, Сурхондарё вилояти халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти қошида ташкил этилган қуйи бўғин ЎЗМТДП сайловолди Платформасида белгиланган мақсад-вазифаларни ҳаётга татбиқ этишда яқин кўмақдош бўлмоқда.

Қуйи бўғин аъзолари жойларда ўтказаятган турли тadbир, давра суҳбатларида асосий эътиборни электорат вакиллари манфаатига қаратаётгани ҳеч кимни бефарқ қолдирмапти: жойларда партиянинг ғоя ва мақсадларига бўлган қизиқишини кучайтираёттир. Бундай тadbирларда партия сайловолди Платформасида белги-

ланган мақсад-вазифалар ижроси юзасидан кўлаб амалий тақлифлар ўртага ташланмоқда. “Ўзбекистон муstaqиллик йилларида. Ким эдигу, ким бўлди?”, “Миллий ўзлигини англаган халқни ҳеч қандай куч енголмайди”, “Оммавий маданиятга қарши курашда маънавий-мафқуравий тарбиянинг аҳамияти”, “Тарих — улуг мураббий”, “Муstaqиллик — юксак орзулар қаноти, тинч-лигимиз ва барқарор ривожланишимиз асоси” каби мавзуларда ўтказилган тadbирлар партия ғоя-мақсадлари тарғиботига хизмат қилмоқда. Мазкур тadbирларда Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси ҳамда маҳаллий Кенгаш депутатлари иштирок этмоқда.

— Партия ишини ҳар жиҳатдан тақомиллаштиришга оид кўргазмали воситалар, қўлланмаларнинг мавжудлиги, етакчиларнинг ўз ишига бўлган масъулияти эришляётган натижаларга асос бўляпти, — дейди ЎЗМТДП Термиз шаҳар кенгаши раиси Асилбек Ғозиев. — Шаҳар кенгаши ташаббуси билан ўтказилаётган барча тadbир, хусусан, партия лойиҳаларига мазкур қуйи бўғин аъзолари ҳам кенг жалб этилмоқда. Бундан мақсад — уларни партия ғоя ва вазифаларидан кенгроқ хабардор қилиш ҳамда қуйи бўғинларнинг ана шу жараёнда фаол

иштирокини таъминлашдан иборат. Шунингдек, партия ғояларини жамоатчилик орасида фаол тарғиб қилаётган, ташаббускор ва етакчи бошланғич ташкилотлар фаолиятини оммалаштириш, улар тажрибасини ўрганишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айни шу мақсадда, вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти қошида тузилган БПТ фаолиятини оммалаштириш юзасидан ҳудуддаги бошланғич партия ташкилотлари билан ҳамкорлик йўлга қўйилди.

— Институти қошида ташкил этилган қуйи бўғин фаоллиги сиёсий партиянинг таъсир кучини оширишда муҳим



омили бўлиб хизмат қилаёттир, — дейди ушбу бошланғич партия ташкилоти раиси Сайёра Тўраева. — Бошланғич ташкилотимиз партия вилоят ва шаҳар кенгаши билан яқин ҳамкорлик ўрнатган. БПТ қошида партиянинг ғоя-мақсадларини тарғиб қилиш мақсадида тарғибот гуруҳи ташкил этилган. Бу гуруҳ партия шаҳар кенгаши ўтказаятган тарғибот тadbирларини самарали ташкил этишда яқиндан ёрдам беради, ташкилий ишларда ҳамкорлик қилади. Бундан ташқари, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги ЎЗМТДП гуруҳи раҳбари Сайфулла Турсунов иштирокида институти қошида “Тажриба синов майдончаси” илмий маркази ташкил этилган.

Сиёсий партия ўз дастурий мақсад-вазифаларидан келиб чиқиб, аҳолини ўйлантираётган масалалар-

ни изчил ўрганиш, электорат манфаатларини таъминлашда бошланғич партия ташкилотлари кўмагига таянади. Боиси, улар электоратга яқин бўғин бўлиб, бевосита аҳоли орасида, ҳаётнинг энг қайноқ бўғинларида фаолият юритади. Табиийки, фуқароларнинг ўй-ташвиши, ютуқ ва муаммоларида яқин хабардор бўлади.

2014 йилда ташкил этилган қуйи бўғиннинг ҳозирда 50 нафарга яқин аъзоси бор. Унинг ташаббуси билан аҳоли муhojиратлари асосида маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари шу кунгача 30га яқин тақлиф берилиб, уларнинг аксарияти ижобий ҳал қилингани аҳолининг қуйи бўғинга бўлган ишончинини янада муstaqамлашмоқда.

Бугунги глобаллашув жараёнида юзага келаётган мафқуравий таҳдидларнинг ёшлар онига салбий таъсирининг олдини олиш, уларда маънавий иммунитетни муstaqамлаш жамоатчилик вакилларидан жиддий эътиборни талаб қилади. Миллий қадрият ва аъаналарни кенг тарғиб қилиш, ёш авлоднинг уларга нисбатан ҳурмат руҳида тарбиялашга кўмаклашиш партияимизнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Мазкур бошланғич партия ташкилотининг бу борадаги фаолияти ҳам эътиборга молик. Боиси қуйи бўғин ташаббуси билан ўтказилаётган давра суҳбати, ўқув-семинар ва маънавий-маърифий тadbирлар навқирон авлод вакилларида миллий ва умуминсоний қадриятларга садоқат, юрт келажагига дахлдорлик туйғусини муstaqамлашда муҳим ўрин тутмоқда.

Сирасини айтганда бошланғич партия ташкилотлари электорат манфаатларини ҳимоя қилувчи ва уни рўёбга чиқарувчи куч ҳисобланади. Шу боис улар фаолиятини жонлантириш, ҳар томонлама кўлаб-қувватлаш самарали натижа бериши шубҳасиз.

Усмон АБДУРАСУЛОВ, “Milliy tiklanish” мухбири

Маънавий-маърифий тadbирлар

навқирон авлод тарбиясида муҳим омил бўляптир

Қорақалпоғистон

ЎЗМТДП Нукус туман кенгаши “Миллий тикланиш” газетаси кунлари лойиҳаси доирасида “Партия ғояларини тарғиб қилишда “Миллий тикланиш” газетасининг ўрни” мавзусида давра суҳбати ташкил этди. Унда партия туман кенгаши фаоллари, тумандаги 7-умумтаълим мактаби ўқитувчилари, бошланғич партия ташкилотлари етакчилари, ёшлар қатнашди.

— ЎЗМТДП дастурий мақсад-вазифаларини кенг тарғиб қилиш, унинг барча даражадаги ташкилоти ҳамда депутатлик бирлашмалари фаолиятини мунтазам ёритишда “Миллий тикланиш” газетаси муҳим ўрин тутари, — деди партия туман кенгаши раиси Бахтиёр Коштерев. — Газета воситасида аждодларимиздан мерос бой ва бетакрор миллий қадриятларни асраб-авайлаш, ҳунармандлар фаолияти, маданият янгиликлари, мамлакатимиз ва хорижда рўй бераётган ижтимоий-сиёсий воқеа-ҳодисалар билан доимий танишиш имконига эга бўляптир. Парламент, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари фаолияти мунтазам ёритилмоқда. Партиянинг барча даражадаги ташкилотлари партия нашридан очиқ минбар сифатида фойдаланиш имкониятига эга.

Давра суҳбатида таъкидлаганидек, газетада мамлакатимиз ҳаётидаги сиёсий ўзгаришлар, юртимизда барча соҳада амалга оширилаётган ислохотлар кенг ёритилмоқда. Ана шундай сиёсий, маънавий ва маърифий янгиликлардан ўз вақтида хабардор бўлиш, уларнинг мақсад-моҳиятини англаш учун “Миллий тикланиш” газетасини мунтазам ўқиб бориш лозим бўлади.

Тadbирда шунингдек, “Миллий тикланиш” ижтимоий-сиёсий газетасининг жамият ҳаётида тутган ўрни ва аҳамияти, эълон қилинаётган материаллар хилма-хиллиги ва мазмундорлиги, газетхонлар ва обуначилар сонини кўпайтириш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Бухоро

Халқимиз азалдан китобни билим ва маънавиятнинг бебаҳо манбаи сифатида қадрлаб келган. Истиқлол йилларида ушбу эзгу аъна янада теран маъно-мазмун билан бойиди: мамлакатимизда кутубхоналарга муносабат тубдан ўзгарди. Улар фаолиятига инновацион ишланмалар, фойдаланувчиларга кўмаклашнинг янги шакл ва услублари жорий этилди. Кутубхоналарнинг китоб фондидан мунтазам бойитиш, илмий-маърифий, бадиий адабиётларнинг электрон шаклларини яратиш, тезкор ва сифатли ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишга доир кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бундан асосий мақсад — аҳоли, айниқса, ёшларни китобга мухаббат руҳида тарбиялашдан иборат.

ЎЗМТДП Ромитан туман кенгаши “Китобнинг ёшлар маънавиятини шакллантиришдаги ўрни ва аҳамияти” лойиҳаси доирасида ташкил этган маънавий-маърифий тadbирда шу ҳақда сўз борди.

— Ахборот-коммуникация тармоқлари қанчалик тараққий этмасин, кенгаймасин, инсон ҳаётида китобнинг ўрни ва аҳамияти ҳеч қачон йўқолмайди, — деди ЎЗМТДП Ромитан туман кенгаши раиси Наврўз Умиров. — Телевидение, радио ва Интернетга нисбатан бадиий асар инсон руҳи ва дунёқарашига кучли ва ўзгача таъсир этади. Шу боис ёшларимизда китобхонлик аъаналарини давом эттириш, мутоала маданиятини янада юксалтириш ҳар қачонгидан-да аҳамиятлидир. Ахборот-ресурс марказларимизни барча мавзудаги адабиёт, жумладан, ёшлар маънавиятини юксалтиришга хизмат қиладиган китоблар билан янада бойитиш лозим. Улар навқирон авлод қалбида она Ватанга садоқат, инсонпарварлик, меҳр-оқибат сингари юксак инсоний фазилатларни шакллантиришга хизмат қилади.

ЎЗМТДП сайловолди Платформасида белгиланган ёшларда маънавий ҳаётининг юксалишига кўмаклашда маънавий-маърифий марказларни ташкил этиш муҳим вазифа саналади. Бу каби дастурий вазифалар ижроси, ўз навбатида, аҳоли, айниқса, ёшларнинг бугунги ахборот асри билан ҳамнафас, ҳамқадам илдамлашда муҳим аҳамиятга эга.

Тadbирда оила, мактаб ва маҳалла ҳамкорлигини янада кучайтириш, ёш авлод тарбиясини ва эртаси учун бу каби тadbирларни жойларда ёшлар иштирокида мунтазам ташкил этишга келишиб олинди.

Сирдарё

Халқимизнинг “Маҳалла — ҳам ота, ҳам она”, “Бир болага етти қўшни ота-она” деган мақоллари замирида теран маъно мужасам. Шу боис ҳам мамлакатимизда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш тизимини фаолиятини кўлаб-қувватлаш, тақомиллаштириш, унинг ваколатлари доирасини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Натижада, маҳалла институтининг ижтимоий-иқтисодий ҳаётимиздаги ўрни ва таъсири кенгаймоқда.

ЎЗМТДП Сардоба туман кенгаши ҳамда “Янгиқиллоқ” маҳалла фуқаролар йиғини ҳамкорлигида “Маҳалла — бетакрор миллий ва демократик қадрият” мавзусида ташкил этилган давра суҳбатида шу хусусда сўз борди. Унда партия Сардоба туман кенгаши “Аёллар қаноти” фаоллари, “Маҳалла” ҳайрия жамоат фонди ҳамда Маънавият тарғибот маркази туман бўлимлари ходимлари иштирок этди.

— Маҳалла маънавият маскани, аҳиллик қўрғонидир, — деди ЎЗМТДП Сардоба туман кенгаши раиси Курбон Ҳўтаев. — Унда меҳр-оқибат, аҳиллик, тотувлик, тўй-томоша, ҳашар ва маъракаларни кўпчилик билан бамааслаҳат ўтказиш каби халқимизга хос урф-одатлар шаклланган. ЎЗМТДП сайловолди Платформасида ҳам маҳалла тизимини янада тақомиллаштириш, унинг ташкилий-иқтисодий асосларини муstaqамлаш ҳамда маҳалланинг ҳуқуқий мақомини оширишга кўмаклашиш устувор вазифалардан бири сифатида белгиланган.

Маҳалланинг ёшлар маънавий-ахлоқий тарбиясидаги ўрни тобора ортیب бормоқда. Бу борадаги ишларнинг муvаффақиятли баҳарлиши эртамиз эгаларининг баркамол воёга етишига кўмаклашади. Хотин-қизлар ҳамда ёшларнинг иқтидорини рўёбга чиқариш, уларни ҳар жиҳатдан кўлаб-қувватлашда партия ва маҳалла ҳамкорлиги яқин натижа бермоқда. Бундай ҳамкорликни янада муstaqамлаш, янги ва таъсирчан лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш, оилаларда соғлом турмуш тарзи аъаналарини қарор топтириш партия дастурий мақсад-вазифалари ижросини рўёбга чиқаришда муҳим аҳамиятга эга.

Тadbирда ана шундай вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш юзасидан амалий тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Усмон РУСТАМОВ, “Milliy tiklanish” мухбири

Мақтабдан ташқари таълим муассасаларида

“Баркамол авлод” марказлари

болалар иқтдорини рўёбга чиқариш, бўш вақтдан самарали фойдаланишга хизмат қилмоқда

Навқарон авлод ижодий қобилиятини аниқлаш, ривожлантириш ва рўёбга чиқаришда мақтабгача таълим муассасалари, хусусан, жойлардаги “Баркамол авлод” болалар марказлари муҳим ўрин тутмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 28 февралдаги “Мақтабдан ташқари таълим тизimini янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги қарори маъруза йўналишидаги ишларни янги bosqichga олиб чиқишда асос бўлмоқда.

Маъруза қарорга мувофиқ ушбу марказлар зиммасига болаларда меҳнатсеварлик кўникмасини шакллантириш, касбга тайёрлаш, Ватанимиз тарихи, археологик ва маданий меросини ўрганиш учун кенг имкониятлар яратиш, экология ва атроф-муҳитга оид билимларини мустаҳкамлаш каби вазифалар юклатилган. Халқ таълими вазирлигининг “Баркамол авлод” болалар марказлари фаолиятини ташкил этиш шўъба назоратчиси Баҳром Аминовнинг айтишича, бугун халқ таълими тизимида 211 “Баркамол авлод” болалар маркази фаолият кўрсатмоқда. Улар қошидаги 5 мингдан ортиқ тўғарақда 100 мингдан зиёд ўқувчи таълим олмақда. Маъруза марказларни таъмирлаш, зарур ускуна ва қўлланмалар билан таъминлаш — доимий эътиборда. Бунинг самарасида 2011 йилда тўғарақларга 68 минг 401 нафар ўқувчи-ёшлар жалб қилинган бўлса, 2016 йилга келиб улар сони 114 минг 40 нафарга етди. 2011-2016 йилларда “Баркамол авлод” болалар марказларидаги тўғарақлар сони олти миш фоизга ошди. Уларда 4,5 мингдан зиёд педагог 105 мингдан ортиқ ўқувчига таълим-тарбия бермоқда.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрда “Чет тилларни ўрганиш тизimini янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш бўйича республикадаги “Баркамол авлод” болалар марказларида инглиз тили, немис тили, француз тили бўйича жами 345 тўғарақ фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, уларга 8 миш 470 нафар ўқувчи камраб олинган.

“Баркамол авлод” республика болалар техник ижодий марказида 23 йўналишдаги тўғарақга 400 дан ортиқ ўқувчи жалб қилинган. Марказ моддий-техник базасининг мустаҳкамлангани тасвирий санъат, мумтоз ва замонавий созандалик, ракс, тикиш-бичиш, тўқиш, юмшоқ ўйинчоқлар ясаш, пазандалик, гулчилик, авиа-модель, компьютер ва дизайн графикаси, фотоҳаваскорлик, роботехника ва электрон ўйинчоқлар, дурадгорлик, ёш дастурчи, компьютер са-

казнинг авиамодел тўғараги аъзо-си, пойтахтимиздаги Шайхонтоҳур туманидаги 42-умумтаълим мактабининг 7-синф ўқувчиси Муҳаммад Комрон Қобилов ушбу йўналишдаги республика танловида юк ташувчи самолётнинг макетини ясаб, биринчи ўринни эгаллади.

— Ўқувчилар тайёрлаган турли авиа-ракета моделлар, техник ишланмалар уларнинг тўғарақлар орқали олган билим ва кўникмалари, бой хаёлот олами акс эттириб, қизиқиши, аниқ мақсад сари дадил интилишининг ўзига хос ифодасидир, — дейди маъруза марказнинг тўғарақ раҳбари Анвар Хўжаев. — Бундай техник ижодиёт тўғарақлари натижасида ўқувчиларнинг физика, математика, кимё, компьютер технологиялари каби фанларни ўзлаштиришида ижодий натижалар кўзга ташланмоқда. Қувонарлиси, тўғарагимиз аъзолари марказда олган сабоқлари туфайли коллежларга энг юқори баллар билан қабул қилинмоқда. Бунга шу йилги марказимиз аъзоси Муҳаммад Амин Умаровнинг Тошкент радиотехника ва автоматика касб-хунар коллежига юқори балл билан қабул қилингани яққол мисол бўла олади. Мана шундай ёшлар орасидан келажакда мутафаккир болаларимиз каби улуг кашфиётчилар етишиб чиқса, ажаб эмас.

Марказга борган ҳар қандай болани у ердаги турли ракета, самолёт макетлари, фотоҳаваскорларнинг суратлари, электрон ўйинчоқлар эътиборини тортиши, қизиқиш уйғотиши шубҳасиз.

— Марказнинг “Ёш дастурчи” тўғарагига икки йилдан буён қатнашман, — дейди Чилонзор туманидаги 101-умумтаълим мактабининг 8-синф ўқувчиси Абдуғафур Абдулхалиев. — Дастурлаш тизимида кенг қўлланмоқда. Мураббийларим кўмағида бу соҳанинг мураккаб жиҳатларини ўрганишман. Бу ерда кўп дўстлар ортирдим. Тўғарақда ўз билим ва маҳоратимни ошириб, келажакда етук компьютер дастурчиси бўлоқчиман.

— Марказимиз вилоят, шаҳар ва туман “Баркамол авлод” болалар марказларида ташкил этилган тўғарақларга методик ҳамда амалий ёрдам кўрсатиш вазифасини ҳам бажаради, — дейди марказ директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Лола Тўраева. — Авваллари мактабдан ташқари таълим муассасаларида ўқув жараёни тасдиқланмаган муаллифлик дастурлари ва қўлланмалари асосида олиб борилган бўлса, ҳозирда эса, аксинча марказ педагог ходимларининг таклифи ва мулоҳазалари эътиборга олинган ҳолда, давлат талаблари асосида ишлаб чиқилган, республика

каман. Шунинг учун работехника ва электрон ўйинчоқлар тўғарагини танладим, — дейди шаҳардаги 10-умумтаълим мактабининг 8-синф ўқувчиси Отабек Мўминов. — Бу ота-онамга ҳам жуда маъқул келди. Айниқса, таътил пайтлари ўзининг сеvimли машғулоти бўлишдан жуда қувондим. Марказ орзуларининг ушалишига қўмак бермоқда, десам муболағла қилмаган бўлман. Таътил кунлари юртимизнинг кўплаб тарихий шаҳарларини ҳам бориб кўрдик. Хусусан, Самарқанд ва Бухорога саёхатимиз менда унутилмас таассурот қолдирди. Тарихий шаҳарларнинг диққатга сазовор жойлари, ёдгорликлари, мустақиллик йилларида бунёд этилган иншоотлар билан беvosита танишдик. “Йилнинг энг яхши ихтидорчиси” деб топилганимдан, устозларим ва ота-онам ишончини оқлаганимдан беҳад бахтиёрман. Келажакда кўп ва катта ихтиролар қилиш ниятидаман.



Отабек бизни марказ фаолияти билан яқиндан таништирди: хоналар кенг ва ёруғ, компьютер ва машғулот, спорт ва концерт заллари, ювениш, кийиниш хоналари замонавий жиҳозланганига гувоҳ бўлдик. Марказда ўқувчиларнинг ўзи хоҳлаган тўғараққа қатнашиши учун барча шароит муҳайё.

“Ёш мусаввир” тўғарағида расм чиқаётган бир гуруҳ ёшлар эътиборимизни тортди.

— Табиат манзараларини чизишни билан яқиндан таништирди: хоналар кенг ва ёруғ, компьютер ва машғулот, спорт ва концерт заллари, ювениш, кийиниш хоналари замонавий жиҳозланганига гувоҳ бўлдик. Марказда ўқувчиларнинг ўзи хоҳлаган тўғараққа қатнашиши учун барча шароит муҳайё.

Дарвоқе, ёш мусаввирларнинг расмларини кўзатар эканмиз, ҳар бири ўз бегубор оламига эга эканлиги, уларда ота-она, азиз Ватанимизга бўлган меҳр-муҳаббат ҳислари яққол акс этганини кўрдик.

— Тўғараққа қатнаган болалар ҳафта-сига икки марта, уч академик соатдан таълим оладилар, — дейди Жиззах шаҳридаги “Баркамол авлод” маркази директори Фазлиддин Қўлдошев. — Айниқса, компьютер дизайни ва графикаси, радиотехника, либос дизайни, ракс, чет тиллар, тасвирий санъат, тўқиш, мунчоқли безак каби тўғарақлар ҳам болалар, ҳам ота-оналар эътиборини тортмоқда. Тўғарақларга жалб қилинган ўқувчиларга таълим-тарбия бераётган педагог ходимларнинг 21 нафари олий, 14 нафари ўрта-маъсул маълумотга эга.

“Баркамол авлод” болалар марказлари ўртасида таълим сифати ва самарадорлигини ошириш мақсадида турли кўрик-танловлар ўтказиб келинмоқда. Жумладан, йилнинг энг яхши тўғарақ раҳбари, йилнинг энг яхши ихтидорчиси, энг яхши услубий қўлланма муаллифи, энг яхши концепция муаллифи ва “Мустақиллик — менинг тақдиримда” кўрик-танловлари ўтказилиб, улар фаолиятини янада такомиллаштириш имконини бермоқда. Хусусан, Халқ таълими вазирлиги “Баркамол авлод” республика болалар техник ижодиёт маркази томонидан Фаллаорол туман “Баркамол авлод” болалар маркази тўғарақ раҳбари Салоҳиддин Бобоевнинг илгор иш тажрибалари мамлакатимиз микёсида оммалаштирилди.

Бухоро шаҳридаги “Баркамол авлод” маркази ўзида 480 ўқувчини жамлаган. Марказ қошида турт йўналиш бўйича моҳир қўллар, ёш архитектор ва дурадгорлик, тўқиш, ли-

бослар дизайни, компьютер графикаси ва дизайн, компьютер сервис хизмати, журналистика ва нотиклик, бошланғич техник моделлаштириш, ёш фотоҳаваскор, ёш эколог, ёш табиатшунос каби йигирма тўрт тўғарақ фаолият юритмоқда.

— Қайта таъмирланган, замонавий жиҳозланган марказимизда юзлаб ўғил-қизларнинг тажрибали мутахассислар раҳбарлигида ўз қобилиятини ривожлантириши учун зарур шароит яратилди, — дейди марказ директори Мавжуда Жамолова. — Масалан, тикувчилик тўғарағи ўндан ортиқ замонавий тикув машиниси билан жиҳозланди. Компьютер синфиташкил этилди. Тўғарақларимиз рус ва ўзбек тилларида олиб берилмоқда. Бу эса турли миллат вакилларига ҳам кенг имконият оид. 2014 йил 6 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида, ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чоратадбирлар тўғрисида”ги Прези-

МММда

Истеъмолчи маданияти юксалмоқда

Шу йилнинг январь-сентябрь ойларида Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси ва унинг ҳудудий тўғарақларига истеъмолчилардан 7 миш 640 дан зиёд ариза ва шикоят келиб тушган. Уларнинг 92,6 фоизи ижодий ҳал этилиб, 2 миш.лишард 862 миш.лишар сўмдан зиёд зарар истеъмолчилар фойдасига қайта ҳисоб-китоб қилиб берилган.

Бу ҳақда Миллий матбуот марказида маъруза Федерациянинг жорий йил тўғрисидаги давомиди фаолияти яқунлари бағишлаб ўтказилган матбуот анжуманида маълум қилинди. Таъкидланганидек, ариза ва мурожаатларнинг асосий қисми табиий газ (29,5 фоиз), савдо-сотиқ (22,4 фоиз) электр энергияси таъминоти (14,9 фоиз) билан боғлиқ. Шунингдек, ичимлик суви таъминоти, коммунал хизмат кўрсатиш, транспорт, соғлиқни сақлаш соҳасига оид мурожаатлар ҳам нисбатан кўп.

Истеъмолчилар ҳуқуқ-манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида тегишли вазирлик ва назорат қилувчи органлар билан ҳамкорликда дастурлар ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда. Жумладан, istemol.uz сайти ҳамда “1091” ишонч телефони орқали истеъмолчилардан ариза, таклиф ва шикоятлар қабул қилинаётди. Мурожаатларнинг беш мишга яқини ёзма тартибда билдирилган бўлса, 2,5 мишдан зиёди оғзаки, “ишонч телефони” ва электрон шаклда келиб тушган.

Федерация истеъмолчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш баробарида тегишли вазирлик ва назорат қилувчи органлар билан ҳамкорликда аҳолининг ҳуқуқий маданиятини оширишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Жумладан, истеъмолчилар мурожаатлари, йўл ҳаракати хавфсизлиги, пластик картча ва нақд пулсиз ҳисоб-китоб сингари мавзуларда ўқув-семинар, давра суҳбатлари ўтказилляпти. Масъул ташкилотлар билан ҳамкорликда нашр этилган “Электр энергияси таъминотида истеъмолчи ҳамда таъминотчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари”, “Темир йўл транспортдан фойдаланишда истеъмолчиларнинг асосий ҳуқуқлари” каби тарғибот плакатлари маърифий тадбирлар таъсирчанлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Матбуот анжуманида Федерация аҳоли ўртасида савдо ва хизмат кўрсатиш сифати бўйича сўровлар ўтказгани маълум қилинди. Сўровномада мамлакатимизнинг турли ҳудудидан 40 мишга яқин респондент иштирок этган. Аниқланган муаммо ва камчиликларни бартараф этиш мақсадида Олий Маҳжлис Қонунчилик палатаси, Вазирлар Маҳкамаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банк ва бошқа идораларга маълумотлар тақдим этилган.

Т. АБЗАМОВА,
“Milliy tiklanish” мухбири

Оғоҳлик

“Тилсиз ёв”нинг олдини олган афзал

Ёнги ҳам инсон ҳаёти ва соғлиғига хавф солади, ҳам катта моддий зарар etkazadi. Шу боис ёнги хавфсизлиги масаласи барча идора ва ташкилотлар, маҳалла, қишлоқ, оила, ҳар бир фуқаро фаолияти ва ҳаётига беvosита дахлдордир.

Мамлакатимизда ёнгининг олдини олиш ва уни бартараф этиш борасида изчил ишлар амалга ошириляпти. Айниқса, куз-қиш мавсумида бу йўналишдаги ишлар фоят долзарб аҳамият касб этади. Чунки бу пайтда иситиш мосмаларидан нотўғри фойдаланиш, ёнги хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмаслик, ёш болаларни уйда ёлғиз ва қаровсиз қолдириш, янги йил байрамида пиротехника воситаларидан фойдаланиш турли даражадаги ёнгинларга сабаб бўлиши мумкин.



“Таллимаржон ИЭС” унитар корхонаси ҳам 2016 йил 10 ноябрдан 2017 йилнинг 10 январигача ўтказилаётган ёнги хавфсизлиги кўнларида фаол иштирок этаётди. Ёнги чикиш эҳтимоли юқори бўлган куз-қиш мавсумида барча бўлим ва участкаларда ёнги хавфсизлиги ҳамда унинг олдини олиш мақсадида чора-тадбирларни янада қучайтириш, ишчи-ҳодимларнинг ёнги хавфсизлиги қоидаларига тўлиқ амал қилишини назорат қилиш асосий вазифа этиб белгиланган.

Корхона электр цехида инспекторлар иштирокиди иш жойлари ва ускуналарнинг хавфсизлигини таъминлаш, бирламчи ўт ўчириш воситаларини тайёр ҳолатда сақлаш учун кунлик текширувлар ташкил қилинган. Барча ҳодим ёнги ўчириш воситаларидан фойдаланиш ва ёнгинларни бартараф этиш бўйича амалий машғулотларга жалб қилинмоқда. Мавжуд ёнги хавфсизлиги бурчлари қайта кўриб чиқилиб, камчиликлар бартараф этиляпти. Ҳар бир бўлим ва участкада деворий газеталар ташкил қилинган бўлиб, уларда ёнги хавфсизлиги кўнларида фаол иштирок этган гуруҳлар эришяётган натижалар ёритиб берилмоқда. Цехда амалга ошириляётган ишлар, чора-тадбирлар натижалари ҳар ўн кунда корхонанинг ҳайъат комиссиясига тақдим этиляпти.

Муҳтасар айтганда, ёнгинга қарши ўтказилаётган ҳар бир тадбир, жумладан, ёнги хавфсизлиги кўнлари бахтсиз ҳолатларнинг олдини олишга ёрдам бериши шубҳасиз. Амалга ошириляётган бундай қатъий чора-тадбирлар фуқаролар саломатлиги ва жамият хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилмоқда. Бу жараёнга муносиб ҳисса қўшиш эса барчамизнинг бурчимиздир.

Эркин ЖУМАЕВ,
“Таллимаржон ИЭС” УК электр цехи бошлиги



боқлари, бошланғич техник моделлаштириш каби йўналишлардаги тўғарақлар очиб ва улар фаолиятини янада такомиллаштириш имконини берди. Айниқса, кемасозлик, авиа-ракета модель, автомобил, инглиз тили тўғарақларига қизиқувчилар сони йилдан-йилга ортиб бормоқда.

— Ҳар бир ота-она ўз фарзандининг ижодий қобилиятини ўстириш, қўшимча билим олиш, касб-хунар эгаллаши, муҳтасар айтганда, бўш вақтида фойдаланиш машғулоти билан шуғулланишини истаиди, — дейди “Баркамол авлод” республика болалар техник ижодиёт маркази директори Хадича Юнусова. — Тўғарақ аъзолари, ўз навбатида турли мусобақа, фестивал ва кўрик-танловларда муваффақиятли иштирок этиб келмоқда. Масалан, ўтган йили мар-

Таълим марказининг илмий-методик кенгашида тахлил қилинган, Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланган ўқув дастурлар ва ўқув-методик қўлланмалар асосий таъниқ вазифасини ўтамоқда. Бундай замонавий педагогик технологиялар ўз самарасини бермоқда.

... Отабек Мўминов бир неча йилдан буён Жиззах шаҳридаги “Баркамол авлод” болалар марказида работехника ва электрон ўйинчоқлар тўғарағига қатнайдди. У бугун устозларидан олган сабоқлари туфайли мустақил равишда турли хил электрон ўйинчоқлар ясамоқда. Шу боис жорий йилда “Йилнинг энг яхши ихтидорчиси” кўрик-танловининг мамлакат босқичида биринчи ўринни кўлга киритди.

— Техникага болалигимдан қизи-

Бизнинг шарҳ

Молдова парламенти

бир палатали бўлиб, унда тўрт йилга сайланганидан 101 депутат фаолият олиб боради

Молдова Республикаси Европанинг жануби-шарқий қисмида жойлашган. Майдони — 33,7 минг квадрат километр. Аҳолиси — 3 миллион 553 минг киши. Пойтахти — Кишинёв шаҳри. Амалдаги Конституция 1994 йил 29 июлда қабул қилинган. Давлат бошиси — Президент. Олий вакиллик ва қонун чиқарувчи органи — бир палатали парламент, ижро органи — ҳукумат (Вазирлар Маҳкамаси).



Парламент қонун, қарор ва резолюциялар қабул қилиш, мамлакат ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаш, ижро ҳокимияти устидан парламент назоратини ўрнатish, халқро шартномаларни ратификация ёки денонсация қилиш, Давлат бюджетини тасдиқлаш ва унинг ижросини назорат қилиш, қонунда кўрсатилган тартибда давлатнинг мансабдор шахсларини лавозимга сайлаш ёки тайинлаш, Молдова Республикаси ордени ва медалларини таъсис этиш, фавулодда ҳолат жорий этиш, амнистия актини қабул қилиш ҳамда Конституция ва қонунларда назарда тутилган бошқа ваколатларга эга. 2015 йилнинг 23 январидан буён парламентга Андриан Канду раислик қилмоқда.

Депутатлар умумий, тенг, тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида, яширин овоз бериш йўли билан тўрт йил муддатга сайланади. Парламент сайлови аввалги қақриқ депутатларнинг ваколат муддати тугаганидан сўнг уч ойдан кейинки йилда ўтказилади. Янги сайланган депутатлар Президент қақриқига биноан сайловдан ўттиз кун ўтмай таъсис мажлисида йиғилади. Таъсис мажлисини ёши энг улуг депутат бошқаради. Кейинчалик мажлисларни парламент раиси ёки унинг ўринбосари олиб боради. Илк мажлисда Конституциявий суд раиси парламент сайлови натижалари ва депутатлар мандатини тан олгани ҳусусида маъруза қилади.

Депутатлар дахлсизлик ҳуқуқи эга: уларни жиноят жойида қўлга олишдан ташқари ҳолатларда парламент руҳсатисиз ҳибсга олиш, суд олдида жавобгарликка тортиш мумкин эмас.

Депутатлар ишчи органларни шакллантириш ва парламент фаолиятини ташкил этиш учун қақриқ беш депутатдан иборат фракцияга бирлашади. Фракциялар ўзининг бошқарув органи ёки рақбарини сайлайди. Депутат қақриқ бир фракциянинг аъзоси бўлиши ёки ўз ихтиёри билан фракция аъзолигидан чиқиши мумкин. Фракция асосли сабабга биноан депутатни фракция аъзолигидан чиқариш ваколатига эга. Фракция аъзолигидан чиққан ёки чиқарилган депутат олти ойдан сўнг бошқа фракцияга аъзо бўла олади. Фракция шаклланиши билан унинг

рақбери парламентга депутатлар сони ва шахсий таркибини тақдим этади. Фракция таркибида юзага келган ҳар қандай ўзгариш парламентнинг яли мажлисида маълум қилинади. Фракция аъзолари сони беш кишидан қақмайса, фаолиятини тугатади. Фракция рақбари бу ҳақда уч кун ичида парламент раисини хабардор этиши лозим.

Парламент регламентига мувофиқ, фракциялар доимий бюроси ва комиссия таркибига ўз вақилларини тайинлаш, сайлаш ёки уларни қақриб олиш, парламентнинг махсус, тафтиш ва бошқа комиссияларини тузиш, парламент эшитувни ташкил этиш қаби масалалар юзасидан тақлифларни илгари суриш ҳуқуқи эга.

Парламент фракциялар тақлифи билан парламент раиси сайловини ўтказиш бўйича комиссия тузади. Комиссия парламент раислиги учун номзодларни илгари суриш бўйича тақлифларни қабул қилиш, овоз бериш учун бюллетен намунаси ва матинини белгилаш, овоз беришга тайёргарлик кўриш ҳамда ўтказишни таъминлаш, овоз бериш натижаларини ҳисоблаб чиқиш, ҳақиқий эмас деб топилган бюллетенларни эълон қилиш, овоз бериш жараёнида юзага келадиган зиддият ва баҳсларни ҳал этиш, овоз бериш натижаларини парламент тасдиқига қўйиш қаби вазифаларни бажаради. Депутатлар парламент раисини яширин овоз бериш йўли билан сайлайди. Парламент фракциялари илгари сурган номзодлар исми-шарифи бюллетенда акс этади. Ҳар бир фракция фақат бир номзодни илгари суриши мумкин. Депутатларнинг энг кўп овозини қўлга киритган номзод парламент раиси этиб сайланади. Агар номзодлардан ҳеч бири талаб этилган миқдордаги овозни қўлга кирита олмаса, энг кўп овоз олган икки номзод ўртасида тақририй овоз бериш амалга оширилади. Агар шундан сўнг ҳам овозлар тенглашиб, голиб номи аниқланмаса, фракциялар илгари сурган бошқа номзодлар иштирокида янги сайлов ўтказилади.

Парламент раиси палата ва доимий бюроси ишларини бошқариш, одатий, навбатдан ташқари ёки махсус сессияларни қақриш, мажлисларнинг одатий сессияда ўтишини янги ҳақда доимий комиссиялар мажлислари шаклида олиб боради. Бундай мажлисларда депутатларнинг асосий қисми иштирок этганда қабул қилинадиган қарорлар қонуний қўлға эга бўлади. Парламент мажлислари очик тарзда ташкил этилади. Бундай мажлисларда дипломатик миссия вақиллари, халқ адвокатлари, бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича миллий адвокат, оммавий ақборот воситалари вақиллари, зарурат туғилганида парламент котибияти ходимлари ҳамда Доимий бюроси ўрнатган тартибга мувофиқ руҳсат берилган ёки тақлиф

регламентга мувофиқ ўтишини таъминлаш, қабул қилинган қонунни эшиттириш, қабул қилинган қонун, қарор ва резолюцияларни имзолаш, парламентнинг бюджет маблағларини бошқариш ва молиявий ҳолат ҳақида ҳар ой доимий бюроси маълумот бериб туриш қаби вазифаларини бажаради. Қонун чиқарувчи органи раиси ўринбосари раис илтимосига кўра ёки унинг йўқлигида қабул қилинган қонун ва қарорларни имзолайди. Парламент раиси унинг номзодини илгари сурган фракция ёки депутатлар таркибининг қақрида учдан бир қисми ташаббуси билан муддатидан аввал қақриб олиними мумкин.

Доимий комиссиялар қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг ишчи органи бўлиб, унинг фаолиятини амалга ошириш учун тузилади. Улар парламент олдида жавобгар ва ҳисобдор. Уларнинг мақоми ва ишлаш тартиби регламентга мувофиқ амалга оширилади. Комиссиялар сони, номи, уларнинг шахсий таркибини доимий бюроси тақлифи билан парламент белгилайди. Доимий комиссия раислари, уларнинг ўринбосари, котиблари, аъзолари депутатлар кўпчилиги қисми овози билан сайланади. Махсус комиссиялар эса қонун лойиҳаларини кўриб чиқиш, мураккаб қонун лойиҳаларини тайёрлаш ва бошқа мақсадларда тузилади. Махсус комиссия ишлаб чиққан қонун лойиҳасини доимий комиссия кўриб чиқади.

Парламент бир йилда икки марта одатий сессияда йиғилади. Бақорги сессия февралда бошланиб, июлнинг охирида якунига етади. Кузги сессия эса сентябрдан декабрь ойининг охирига қақри давом этади. Одатий сессиялар оралиғида Президент, парламент раиси ёки депутатлар таркибининг учдан бир қисми ташаббуси билан навбатдан ташқари ёки махсус сессия ўтказилиши мумкин.

Парламент ўз ишларини янги ҳақда доимий комиссиялар мажлислари шаклида олиб боради. Бундай мажлисларда депутатларнинг асосий қисми иштирок этганда қабул қилинадиган қарорлар қонуний қўлға эга бўлади. Парламент мажлислари очик тарзда ташкил этилади. Бундай мажлисларда дипломатик миссия вақиллари, халқ адвокатлари, бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича миллий адвокат, оммавий ақборот воситалари вақиллари, зарурат туғилганида парламент котибияти ходимлари ҳамда Доимий бюроси ўрнатган тартибга мувофиқ руҳсат берилган ёки тақлиф

этилган бошқа кишилар ҳам иштирок этади. Бироқ парламент раиси, фракциялар талаби ҳамда депутатлар таркибининг кўпчилиги қисми овози билан ёки мажлислар ҳам ўтказилиши мумкин.

Депутатлар, Президент, Вазирлар Маҳкамаси, Гагаузия муҳтор ҳудудий бирлиги Халқ кенгаши қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи эга. Депутат қонунчилик ташаббусини шахсан ёки парламентнинг бошқа аъзолари билан бирга амалга оширади. Қонун лойиҳаси молдавон ҳақда рус тилларида киритилади. Доимий комиссия унга тақдим этилган қонун лойиҳасини бошқа комиссияга тааллуқли деб ҳисобласа бу ҳақда парламент раисига мурожаат қилиши мумкин.


Қонун лойиҳаси ташаббускори қонун лойиҳаси ёки қонунчилик тақлифини парламент яли мажлиси якуний қарор қабул қилғунига қақар қақтариб олиши мумкин. Парламент мажлиси кун тартибига қўйилган қонун лойиҳаси икки ўқишда қабул қилинади. Конституциявий ҳақда бюджет, молия, иқтисод ёки бошқа муҳим масалаларга оид қонун лойиҳалари учинчи ўқишда ҳам муҳоқама қилинади. Депутатлар кўпчилигининг овозини қўлга кирита олманган қонун ва қарорлар рад этилган ҳисобланади. Парламент қабул қилманган қонун лойиҳаси ўша сессиянинг ўзида қайта муҳоқамага қўйилиши мумкин эмас. Парламент қабул қилган қонунни парламент раиси ёки унинг ўринбосаридан бири имзолаш ва эълон қилиш учун Президентга тақдим этади. Президент қонунни тақдим этилган қонундан бошлаб икки ҳафта ичида ўз эътирозлари билан парламентга қақтаришга ҳақли. Агар парламент қонунни ҳеч бир ўзгаришсиз ёки давлат бошлиғи эътирозларини ҳисобга олиб, ўзгариш ва қўшимчалар киритган ҳолатда қайта қабул қилса, Президент уни имзолаб, икки ҳафта ичида эълон қилиши шарт. Агар Президент рад қилган қонун депутатларнинг зарурий овозларини қўлга киритмаса, қабул қилинманган ҳисобланади.

Молдовада сўнгги парламент сайлови 2014 йилнинг 30 ноябрида бўлиб ўтди. Унда 19 сиёсий партия, бир блок ҳамда тўрт мустақил номзод иштирок этди. Сайловда Социалистлар партияси 25 мандатни қўлга киритиб ғалаба қозонди. Либерал-демократик партия 23 ўрин билан иккинчи, коммунистлар партияси эса 21 ўрин билан учинчи ўринни қўлга киритди.

Рангин дунё

Тарих ва келажак мужассам

Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳри "Маракана" стадиони, Санъат музейи, Капелария черкови синғари ишшоотлари билан дунёга машҳур. Бугун улар қаторига "Museu de Amanha" музейи ҳам киритиш мумкин. Португал тилида "Келажак музейи" деган маънони англатадиган муассасанинг қурилишига кўп бўлмаган бўлса-да, бироқ у аллақачон сайёҳлар ва маҳалий аҳоли вақилларининг энг севимли масканларидан бирига айланди.



Музей инсониятнинг сайёраимизга етказётган ижобий ва салбий таъсирини, ихтирозлар, келгусида яратилиши мўлжалланаётган техника ва технологияларни намойиш этиш мақсадида ташкил этилган.

"Келажак музейи" шаҳарнинг "Porto Maravilha" кўрфазиди 2016 йилги ёзиги Олимпия уйинларида тайёргарлик доирасида бунёд этилди. Бунинг учун беш йил вақт сарфланди. Иншоотни қуришга таниқли испан меъмори Сантьяго Калатрава бошчилик қилди. У ўз вақтида Афина шаҳридаги "Олимпия" стадиони ва бошқа дунёга машҳур ишшоотлар лойиҳасини ишлаб чиқишда фаол иштирок этган. Меъморнинг гоёсига кўра, бино "сув устида қанот ёзётгандек" тасаввур уйғотиши керак эди. Шу боис кўрфазда сунъий оролча барпо этилди. Бино эса ана шу оролчада қақри ростлади. Иншоотнинг икки томонида узунлиги — 75, баландлиги — 10 метрлик қанотсифат том ўрнатилган.

Иншоот қурилишида фантехниканинг энг сўнгги ютуқларидан фойдаланилди. Мисол учун, электр токи узилиб қолганида иншоотда чироқ ўчмайди. Боиси бинода қувш батареяларидан фойдаланилади. Қуёш батареялари иншоотнинг қанотсифат томи-

да ўрнатилган. Беш минг квадрат метр майдонни эгаллаган музейнинг 400 кишига мўлжалланган залида конференция ва илмий тақбирлар ўтказилади.

Музей номи унинг экспозициясига ҳар жиҳатдан мос тушган. Боиси, фазовий кема шаклида бунёд этилган музейда инсоният тараққиёти, коинотнинг ўзлаштирилиши, яқин келажакда кенг қўлланилиши мумкин бўлган қўлпа буюмларга доир экспонатлар сақланади.

Музейда инсоният турмуши билан боғлиқ муаммоларга бағишланган кўрғаз-

малар ҳам уюштириб турилади. Иқлим ўзгариши, тақбир ресурслар тақчиллиги, дунё аҳолисининг ўсиб бораётгани, замонавий технологияларнинг тақбир этилиши мавзулари бағишланган кўрғазмалар шулар жумласидан. Музейнинг ўзига хошлиги — унга келадиган, махсус маълумотга эга бўлмаган томошабин ҳам бу ердаги ашёларга қараб унинг мазмун-моҳиятини аниқлайди.

"Музейни ташкил этишдан мақсад — фақат санъат буюмларини бир жойга йиғишдан иборат эмас, балки тақбир маркази сифатида келажакда ўз бериши мумкин бўлган ҳолатларни кўрсатиш орқали одамларни бугунги воқеа ва ҳодисалардан тўғри ҳулоса чиқаришга ундашдан иборат", дейди лойиҳа мувофиқлаштирувчиси Дека Фарроко.

Музей "Коинот", "Ер", "Антропоценос", "Келажак", "Моҳият" деб номланган бўлмалардан иборат. Музей экспонатларини Коинотни тақбир этиш миллий институтини, ЮНЕСКО ҳамда Масшурсетс техника институтини кўмағида 30 масалардан фойдаланиб иборат жамоа танлаган.

Музей ҳар ҳафта сешанбадан яқшанбагача фаолият юритади. Бу ердан ҳар куни минглаб томошабиннинг қадами узилмайд.

Ҳавони қурум қоплади

Хитойнинг бирданга 24 йирик шаҳри, жумладан, Пекин ва Тяньцзинда қурум туфайли хавфининг энг юқори — "қизил" даражаси эълон қилинди. Бу ҳақда "interfax.ru" хабар тарқатган.

Йулларда автотранспорт ҳаракати чекланди, қурилиш ишлари тўхтатилди, мактаб



ва болалар боғчалари вақтинча ёпишди. Фуқароларга қўчага чиқмаслик тавсия этилмоқда. Пекинда қурумнинг бир куб метр

ДУНЁДАН ДАРАКЛАР

ҳаводаги зичлиги 350 микрограммга етмоқда. Бу меъёрдан 10 баробар кўп. Шунингдек, Хэбэй, Хэнань, Шаньси, Шаньдун провинцияларида ҳам хавонинг кучли даражаси афғосланганлиги кузатилган.

Қурум шу ҳафтанинг пайшанба кунигача сақланиб туриши, шундан сўнг совуқ шамол ёрдамида тарқалиб кетиши кутулмоқда.

Одам бошқарадиган робот


Жанубий Кореянинг "Korea Future Technology" компанияси нисбатан огир роботнинг хомаки нусхасини яратди. У ичида жойлашган одам ҳаракати ёрдамида бошқарилади, дейилади "tjournal.ru" сайтыда.

Лойиҳадан бош мақсад — санаотда амалий қўллаш учун роботлаштирилган плат-

формани яратишдан иборат. Роботнинг айнан қайси соҳаларда қўлланилиши ҳозирча маълум қилинманган.

Роботни ясашда қатнашган расом Виталий Булгаров лойиҳанинг барча тафсилотини ошқор эта олмаслигини билдирган. Унинг баландлиги — 4 метр, оғирлиги эса 1,5 тонна.

Ижтимоий тармоқда ушбу робот Жеймс Кэмероннинг 1986 йилда суратга олинган




"Беғоналар" ҳамда 2009 йилда яратилган "Аватар" фильмидаги жанговар роботни эслашти қайд этилган.

Ихчам электр самокат

Гонгконгнинг "GoTUBE" компанияси йиғиладиган ихчам самокат (бир оёқлаб ер тегиб юрилидадиган икки гилдиракли арава) ишлаб чиқарди, деб хабар тарқатган "24gadget.ru".

"GoTUBE" деб номланган самокатнинг телескоп-руль тиргаги алюминийдан ясалган, бир жуфт гилдираги корпусида махсус қоплама ёрдамида беркилилади. Цилиндр қувурининг ҳажми — 765х170х120 миллиметр, транспорт воситасининг умумий оғирлиги — 5,8 килограмм. Самокат бир мартаба тўлиқ қувватланганидан сўнг 12 километр масофада бемалол босиб ўта олади. Транспорт воситасининг тўлиқ қувватланиши учун 2 соат етарли. У соатига 16 километр тезлик билан ҳаракатланади.



Электр самокат корпуси углерод толаридан тайёрланган. Унда мобиль телефонни қувватлантиришга мўлжалланган USB-порт ҳам мавжуд. Рулда эса тезликни назорат қилувчи ҳисоблағич ўрнатилган. Электр самокатда иккита тезлик режими мавжуд. Шунингдек, тунда ҳаракатланишда ёрдам берувчи махсус ёруғлик таратиш тизими жойлашган.

Электр самокат нархи 499 долларга баҳоланмоқда. "GoTUBE" 2017 йилнинг март ойдан бошлаб сотувга чиқарилади.

Хунарманд

Анъаналар давом этмоқда

Мамлакатимизда миллий хунармандлик анъаналарини асраб-авайлаш, ривожлантириш, халқ усталаришининг меҳнатини муносиб рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Хунармандлик миллий қадриятларимизнинг ажралмас қисми. Ота-болларимиздан мерос ушбу фаолият тури мустақиллик йилларида янада ривожланди. Камалакдек сержилган миллий матоларимиздан тайёрланган сўзана, унга тикилган гул нусхалари, ранг-баранг дўппилар — барча хунармандлик маҳсулотлари нафақат ҳамюртларимиз, балки хорижлик сайёҳларни ҳам лол қолдираётди.

Буюк ипак йўлида жойлашган қадим Хива хунармандлари ясаётган ноёб буюмлар ҳам ўзига хос услубга эга. Очиг осмон остидаги музей-шаҳар — Ичан қалъадаги бир юз ўттиздан ортиқ қадимий обидаларда ташкил этилган савдо расталарини кулолчилик, мисгарлик, ёғоч ўймакорлиги, каштачилик, зардўлик, заргарлик каби хунармандлик мактабларининг маҳсулотлари беэзаб турибди. Миллий хунармандлик маҳсулотлари халқимизнинг бой қадрият ва анъаналарини дунёга кенг танитишнинг ўзига хос воситасидир. Хунармандлар томонидан тайёрланаётган буюм ва маҳсулотлар бугун нафақат мамлакатимизда, балки ривожланаётган туризм, халқаро иқтисодий алоқалар тўғрисида бугун дунёда ўз муҳлис ва харидорларини топаётди.

Ортимизда халқ амалий санъати ва хунармандликнинг ноқадим номуналаридан халқимиз, айниқса, ёшларни кенг баҳраманд этиш, уста-хунармандлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш юзасидан кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Ушбу йўналишда миллий хунармандчиликни янада ривожлантириш, "устоз-шогирд" анъаналари давомийлигини таъминлаш, ёшларни соҳага кенг жалб этиш муҳим аҳамиятга эга. Айни шу мақсадда Оллоқулихон қарвонсаройи ёдгорлик мажмуасида Ташқи ишлар, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, Республика "Хунарманд" уюшмаси ҳамда япониялик мутахассислар ҳамкорлигида анъанавий хунармандлик маркази ташкил этилган. Марказ вилоятда "устоз-шогирд" анъанасининг янада ривожланишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Айниқса, Ёқуббойхўжа ҳамда Абдура-

сулбойхўжа мадрасаларида иш бошлаган ипакгазма ва сўзаналар тўқш марказида юзга яқин йигит-қизлар хунармандчиликнинг йигирма беш тури бўйича тажрибали усталардан хунар сирларини ўрганаётди.

Хивалик Рустам Ўрозбоев кейинги бир йил ичида уста Элдор Муталлобов мактабида наққошлик санъати сирларини кунт билан ўрганди. Инти-

хонга ёйишга хизмат қилмоқда.

Ёғоч ўймакорлиги санъати инсондан нозик дид, кунт ва сабр-тоқат талаб этади. Чунки битта мураккаб композицияли нақшни яратиш учун уста баъзида йиллаб ишлашига тўғри келади. Бетакрор ва чиройли нақш икки, баъзан уч қатламдан иборат бўлади. Хивалик усталар ҳеч қачон бир нақшни иккинчи марта такрорла-

даги турли кўргазма ва кўрик-танловларда ҳам фаол иштирок этиб келмоқда. Чунончи, ёғоч ўймакори Темирбек Сапаев "Ташаббус-2016" кўрик-танловининг республика босқичида "Менинг юртим — менинг ифтихорим" номинацияси бўйича голиб деб топилди.

Халқимизнинг бетакрор хунармандчилик намуналари маҳоратли ва зукко ёшларимиз томонидан ҳам муносиб давом эттирилмоқда, — дейди "Хунарманд" уюшмаси Хива туман бўлими раҳбари Марям Аминова. — Авлоддан-авлодга ўтиб келаётган миллий хунармандчилик анъаналаримизни давом эттириш, фарзандларимизга ўргатиш учун кенг имконият, шарт-шароитлар яратилган. Бундай имкониятлар тўғрисида хунармандлар ярашаётган маҳсулотлар сифати, салмоғи ва тури ҳам кескин ортди.

Бугун халқимиз бадиий хунармандчилигининг қадимий услуб ва мактабларини асраб-авайлаш, ўрганиш ва янада такомиллаштириш миллий маданиятимиз рағбатига муҳим омилдир. Бу саъй-ҳаракатлар юртимизда хунармандчиликни ривожлантириш ва ёш авлодни касб-хунарга йўналтириш, уларни аждодларимизга муносиб ворислар этиб тарбиялашга хизмат қилади.

Дарҳақиқат, хунармандлик — миллий қадриятларимизнинг ажралмас қисми. Улар, ўз навбатида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг асосий электорати саналади. Партия сайловоти Платформасида белгиланганидек, юксак эстетик қийматга эга миллий хунармандчилик турларини рағбатлантириш, қайта тиклаш ва ривожлантириш, қадимги бадиий-хунармандчилик мактаблари ҳамда миллий хунармандчиликимизга хос "устоз-шогирд" анъанасини сақлаб қолиш, ушбу соҳани янада ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратишга кўмаклашади. ЎЗМТДП ва "Хунарманд" уюшмаси ўртасидаги яқин ҳамкорлик соҳани янада ривожлантириш, электорат манфаатларини таъминлаш, қадриятларимиз давомчилирини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, улар меҳнатини юзга чиқариш, муносиб рағбатлантиришга хизмат қилмоқда.

Алишер РАҲМОН, "Milliy tiklanish" муҳбири



лувчанлиги ордидан қисқа муддатда хунармандлар орасида ўз ўрнини топи, бугун у устун ва дарвоза табақаларига мустақил равишда нақш соляпти.

Хунармандлик марказига энди келган пайтимда тенгдошларимнинг ёғочга нақш солаётганини кўриб, наққошлик санъатига меҳр кўйганман, — дейди Рустам Ўрозбоев. — Талабчан устозимиздан нафақат хунар сирларини, балки қўллаб инсоний фазилатларни ҳам ўрганмоқдамиз.

Ёш хунарманднинг сопол ва чинни буюмларга чизган гулдор нақшларга зарҳал бўёқларда ишлов бериш жараёнини кузатдик. У янги нақшлар яратиш устида ҳам иш олиб бормоқда.

Наққошлик қадимий миллий анъаналаримиздан, — дейди уста-хунарманд Элдор Муталлобов. — Ҳар бир иждоқор асарига ўз қарашларини сингдиради. Чунки иждоқор гоёни, асосни ўз халқининг умуммиллий қарашларидан олади. Юртимизда халқ бадиий хунармандлиги ва амалий санъатга кўрсатилаётган юксак эътибор миллатимиз номини бутун жа-

маган ва бошқа устадан нусха олманган. Шу боис ҳам уларнинг ишлари ўзига хослиги билан ажралиб туради, ҳар бир ўйма нақш заминидан рамзий маъно яширинган. Хоразмдаги ҳар бир обидда, ҳар бир нақшнинг девордан илҳом олишига, ушбу гўзаллиқни ёғочда, аниқроғи, турли буюм ва миниатюрада тўла акс эттиришга интиламан. Ота-болларимиз бутун дунё хавас қиладиган феруза гумбазлару минораларни бунёд этганлар. Умирини шу соҳани чуқур эгаллашга, унинг қадимий, унутилган турларини қайта тиклашга бағишладим, шогирдлар этиштирдим...

Ушбу хунармандлик марказида жамланган маҳсулотлар шакли ва ижро усулига кўра ўз даврининг энг юксак анъаналарини бойитиш асосида заминимизда ўзига хос мактаблар шаклланишидан дарак беради. Айни вақтда мазкур миллий анъаналар ёш авлод томонидан муносиб давом эттирилмоқда. Марказда элликка яқин хунарманд иш билан банд. "Устоз-шогирд" анъаналарини муносиб давом эттириб келаётган хивалик хунармандлар мамлакат ва халқаро миқёс-

"Ҳаёт дарахти"дан мўъжизавий малҳам

Асосан Мароқаш кенгликларида ўсувчи арган дарахтини маҳаллий аҳоли "ҳаёт дарахти" деб атайди. Арган мойи халқ табиоти, замонавий тиббиёт ҳамда пазандчиликда кенг қўлланилади. Хусусан, турли салат, энгил ҳам бўлувчи ва балиқли таомларга ўзига хос таъм ва маза беради. Ниҳоятда фойдали, ноёб ва ўзига хос ифторга эга бу мой таркибидаги микроэлементлар нафақат қондаги холестеринни камайтиради, балки унинг ичак орқали қонга сингишига ҳам тўқсинлик қилади. Е витамини (ҳатто зайтун ёғидан ҳам кўп) эса юрак қон томири тизимининг фаол ишлашига кўмаклашади. Кислота-ларнинг умумий мажмуаси организмнинг яллиғланишига қарши хусусиятини оширади. Арган мойи билан уқалаш воситасида ёғ тери орқали тезда қон ва суюкка сингиб, тўқималар фаолияти бузилишига тўқсинлик қилади. Бўғимлардаги оғриқдан халос этади.

Олимлар ўтказган тажрибага кўра, арган мойини мунтазам истеъмол қилган кишида гипертония (артериал қон босимининг ошиб кетиши) касаллигининг ривожланиши 50 фоизга қамар экан. У жигар фаолиятига самарали таъсир кўрсатади. Терининг қариш жараёнини секинлаштиради. Мушакларни соғлом ва бақувват сақлайди.

Арган мойи турли аллергия тошмалардан халос этиш хусусиятига эга. Жумладан, ҳуснбузар ва турли тошмаларни йўқотишда самарали таъсир кўрсатади. Яраларнинг битиб кетишига кўмаклашади. Арган ёғи куруқ юзга самарали таъсир этиб, майда ажинларни текислайди. Энгил турдаги чандиқни йўқотиш, шилинган терининг тезда тузалишига кўмаклашади. Қора зира ва арган мойи тенг миқдорда қўшилиб, юз терисининг зарарланган қисмига эрталаб ҳамда кечқурун суртилса яхши натижа беради. Тери пўст ташлашининг олдини олади ва даволайди.

Юз учун ниқоб тайёрлашда бир ош қошиқ арган мойига бир ош қошиқ асал солиб аралаштирилади. Юз терисига суртилиб, 15 дақиқа ушлаб турилади. Бу ниқоб терини ҳам юмшатади, ҳам тетиқлаштиради.

Сочингизни қазғоқдан халос этишни истасангиз, бош ювишдан ярим соат олдин арган ёғини соч илдизларига энгил уқалаб суртиш мақсадга мувофиқ. Чокамун ҳамда арган мойи аралашмаси сочга 30 дақиқа давомида суртиб қўйилса сочни мустаҳкамлайди. Куруқ ва синувчан соч учун бир чой қошиқ арган, икки чой қошиқ зайтун ёғи, тухум сариғи, беш томчи марварак ёғи ҳамда 10 томчи лаванда (ҳаворанг ёғи бинафшаранг гулли, хушбўй, доим яшил ўсимлик) ёғи солиниб тайёрланган ниқоб фойдали саналади. Соч тўқилганда икки ошқошиқ арган мойига беш томчи зира ёғи қўшиб, соч илдизига суртилади. Сочикча ярим соат ўраб сўнг шампун билан ювиб ташланади.

Арган мойини харид қилишдан олдин унинг ҳақиқийлигига ишонч ҳосил қилиш жуда муҳим. Ёдда сақланг: табиий, ҳеч қандай аралашмасиз ёғ ҳидсиз ва майин бўлади.

БИЛАСИЗМИ?

- Жанубий Америка материгида океанга тўғридан-тўғри чиқа олмайдиган икки мамлакат бор. Улар — Боливия ҳамда Парагвай.
Дунёдаги энг тоза сувга эга денгиз — Антарктидадаги Уэдделла.

ТУРФА ОЛАМ

Антиқа пайпоқ

Тиббий воситалар ишлаб чиқарувчи "Siren Care" қандли диабет касаллигидан азият чекувчилар учун танада яллиғланиш борлигини аниқлай оладиган пайпоқ яратди.

Биринчи ва иккинчи турдаги қандли диабетга йўлққан беморларда яллиғланиш ва товон шишига мойиллик бўлади. Бу муаммо илк босқичларида аниқланмаса, жиддий асорат, ҳатто ампутацияга олиб келиши мумкин. "Siren Care" "аккли" пайпоқларига ўрнатилган сенсорлар тана ҳароратини аниқлаб, яллиғланиш қаерда авж олаётганини билишга ёрдам беради. Барча маълумот смартфонга жўнатилади.



Ҳар бир пайпоқда батарея ўрнатилган. Унинг қуввати ярим йил узлуксиз ишлашга этади. Шу боис уни тез-тез қувватлаб туришга ҳожат йўқ. Ушбу технология муаллифлари пайпоқларга танадаги суюқлик миқдори ва қон босимини назорат қилувчи ҳисоблагичларни ҳам ўрнатишни режалаштирмоқда.

Шаҳзод ҒАФФОРОВ тайёрлади.

ЎЗМТДП Марказий кенгаши партия Марказий кенгаши Ижроия қўмитаси девони бош ҳисобчиси Шоира Зуфаровага отаси
Маҳмуджон Адилонинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ЎЗМТДП Марказий кенгаши партия Марказий кенгаши Ижроия қўмитаси девони хўжалик ишлари мудри Эркин Раҳмоновга акаси
Эргаш Раҳмоновнинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради

РЕКЛАМА

ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

"АСАКА" БАНК жамоаси

Сизларни яқинлашиб келаётган Янги йил байрами билан самимий муборакбод этади!

Янги йил юртимизга тинчлик, осойишталик ва фаровонлик, ҳар бир онлага файз ва қут-барака олиб келсин!

Янги йил барчамизга қутлуг ва хосиятли бўлсин!

Жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин ва салоҳиятга эга бўлган Ватанимиз янада гуллаб-яшнайверсин!

Байрам муносабати билан қуйидаги миллий валютадаги муддатли янги омонат турини тақлиф этамиз: "ЯНГИ ЙИЛ-2017"

Ушбу омонатнинг сақланиш муддати 3 ой бўлиб, омонатга ҳисобланган фоизлар омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

Шу билан биргаликда, "Асака" банк миллий валютада 30 турдаги ва хорижий валютада 14 турдаги қулай шартларда омонат турларини тақлиф этади. Омонатларни банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин.

Мурожаат учун "Асака" банк филиаллари телефонлари: (0-371) 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

Table with columns: Филиаллар, Код, Телефон, Филиаллар, Код, Телефон. Lists various branches of ASAKA BANK and their contact information.

Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини қафолатлаш жағғармаси томонидан қафолатланади.

Сизнинг омонатларингиз:

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озоди!
— маълумотлар сир сақланиши тўлиқ қафолатланади!
— эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрийлигингизда!
— миқдори чекланмаган!

"Асака" банк сармоясизнинг барча ҳақлари ва қўлайлигини қафолатлайди. www.asakabank.uz Хизматлар лицензияланган.



ТАҲРИР ХАЙЪАТИ: Сарвар ОТАМУРАТОВ, Илҳом АБДУЛЛАЕВ, Аҳрор АҲМЕДОВ, Абдуғафур МАМАТОВ, Улуғбек МУҲАММАДИЕВ, Сувоҳ НАҲБИДИНОВ, Аҳмад САИДОВ, Жалолиддин САФОВЕВ, Алишер ҚОДИРОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Мухаммаджон ҚУРОНОВ, Исмаи ХУДОЕРОВ

Бош муҳаррир: Бехзод НОРБОВ

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000, Амир Темури кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй
Газета таҳририят компьютер марказида терилади ва саҳифаланади
ТЕЛЕФОНЛАР: (0-371) Кабулхона (факс): 234-89-55, Парламент ва маҳаллий кенгаш депутатлари фаолияти бўлими: 234-01-47, Партия ҳаёти бўлими: 234-88-41, Маданият, маънавият ва ахборот бўлими: 234-87-73, Бош муҳаррир биринчи ўринбосари: 234-87-74, Бухгалтерия: 234-87-73.
Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қозғ бичими А-2 "ШАРҚ" наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди.
Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй

Газета ҳафтанинг chorshanba куни чиқади. 2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма — Г 1225. Адади — 5302. Газетанинг баҳоси келишилган нарҳда.
Навбатчи муҳаррир: Мухтарамна КОМИЛОВА ISSN 2010-7714
Навбатчи: Усмон АБДУРАСУЛОВ
Саҳифаловчи: Илҳом ЖУМАНОВ
Электрон почта: e-mail: m.tiklanish@mail.ru
Босишга топшириш вақти — 21.30.
Топширилди — 21.45.

